БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 32 (19.108). ● 1985 йил 7 февраль, пайшанба ● Баҳоси 3 тийин.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Тошкент Олий партия мактабининг партия ва совет ходимлари малакасини ошириш республикалараро курсида машғулотлар тугади. Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон партия Марказий Комитетлари, область, шаҳар комитетлари ва шаҳарлардаги район комитетлари пропаганда ва агитация бўлимлари ходимларидан бир группаси ўқиди.

Курс тингловчилари коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси, КПСС ва Совет давлатининг ҳозирги босқичдаги ички ва ташқи сиёсатининг актуал масалаларини ўргандилар. Ўқув давомида партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми талаблари, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида, унинг «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» деган тарихий аҳамиятга молик асарида баён этилган йўл-йўриқлар ва тавсиялар асосида идеологик ишларни янада такомиллаштириш вазифаларига катта эътибор берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, республиканинг таниқли олимлари лекция ўқидилар ва докладлар қилдилар. (ЎзТАГ).

РЕВОЛЮЦИЯ САРКАРДАСИГА БАҒИШЛАБ

6 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган илмий конференция В. И. Ленининг содиқ сафдоши, Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкилотчиларидан бири, жасур революционер — саркарда Михаил Васильевич Фрунзега бағишланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ҳ. Т. Турсунов доклад қилди.

Докладда, конференцияда қатнашган бошқа кишиларнинг нутқларида Қизил Армияни ташкил этишда, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Совет ҳокимиятини тиклаш ҳамда мустаҳкамлашда, тарихда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатини ички контрреволюционерлар билан ажнабий интервенциячилардан ҳимоя қилишда М. В. Фрунзенинг буюк роли таъкидлаб ўтилди.

М. В. Фрунзе раҳбарлиги остида у қўмондонлик қилган Туркистон фронтида голибона операциялар ўтказилганлиги, интервентлар, оқ гвардиячилар, босмачи тўдалар тор-мор этилганлиги таъкидлаб ўтилди. Пролетар интернационализми ленинча принципларига содиқ бўлган Михаил Васильевич маҳаллий аҳолини революция иши учун курашга, партия, совет кадрларини тайёрлаш ҳамда тарбиялашга жалб этиш учун кўп куч сарфлади.

М. В. Фрунзе ҳозирда ҳам бизнинг сафимиздадир, деб таъкидлашди нотиқлар. Совет кишиларининг авлоди Ленин партиясининг садоқатли ўғлонидан мардлик ва жасурликни, коммунизм ишига садоқатни ўрганмоқда. Букилмас революционернинг номи Ўзбекистоннинг районлари, кўчалари, майдонлари, колхозлари, совхозлари ва мактабларига қўйилиб абадийлаштирилган.

Конференция қатнашчилари М. В. Фрунзенинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган экспозицияни томоша қилдилар.

(ЎзТАГ).

БУРЧ ДАЪВАТИ

Республикамиз саноатчилари ўн биринчи беш йилликнинг тугалловчи йилини халқ хўжалигининг барча соҳаларида юксак иш маромига эришган ҳолда бошладилар. Тўрт йил мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш 17,7 процент кўпайди. Пландан ташқари 916 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўтган йилги кўрсаткичлар ҳам чакки эмас. Меҳнат коллективлари буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализация қилиш планларини муваффақиятли бажардилар. Пландагига нисбатан 106,5 миллион сўмлик кўп маҳсулот реализация қилинди. Планга қўшимча 38 минг тонна кўмир қазиб олинди. 214 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинди. 22 та компрессор, 69 та трактор, 32 та пахта териш машинаси, 1,3 миллион квадрат метр шойи газлама, 695 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқарилди. Кўпгина бирлашмалар ва корхоналар меҳнат унумдорлиги пландан ташқари бир процент оширилишини ва маҳсулот таннархи 0,5 процент арзонлаштирилишини таъминладилар. Олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи 1983 йилдагига нисбатан 3,2 процент ошди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ўсмоқда.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан келгани йўқ, албатта. Химия, металлургия, энергетикада, енгил саноатда, минерал ўғит ишлаб чиқариш саноати ва бошқа тармоқларда янги қувватлар ишга туширилди. Бир қанча саноат корхоналари реконструкция қилинди, йирик саноат корхоналарининг филиаллари барпо этилди, кўплаб юқори самарали технология жараёнлари жорий қилинди 150 дан зиёд цех ва участка комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди, ўнлаб поток линиялар ўрнатилди. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни бошқариш яхшиланди. Бригада пудрати методи асосида ишлаётган бригадалар кўпайди.

Транспорт ва алоқа корхоналари иши бирмунча яхшиланди. Чакана товар обороти, уй-жой-коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш ҳажми ортди.

Республикамиз саноатчилари, транспортчилари, алоқачилари, аҳолига савдо, коммунал ва маиший хизмат соҳаларининг меҳнат аҳли КПСС XXVII съездига ҳозирлик кўра бориб, хўжалик ва маданий қурилиш борасида ўтган йилларда эришилган ютуқлар ва илғор тажрибаларни, йўл қўйилган камчиликларни ҳар тарафлама таҳлил этмоқдалар. Меҳнат унумдорлигини ўстиришга, маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини оширишга ёрдам берадиган жамики фойдали тажрибани кенгроқ ёйиб, ўн биринчи беш йилликнинг сўнгги, тугалловчи йилини ҳам муваффақиятли якунлаш чораларини кўрмоқдалар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларига, ўртоқ Константин Устинович Черненконинг кўрсатмаларига амалий иш билан жавоб бершига интилиб, бу йил янги марраларга чиқиш, ҳамма соҳада юксак уюшқоқлик, интизом ва тартибни кучайтириш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар. Саноат, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва муассасалари ходимлари 1985 йилда планга қўшимча 150 миллион сўмлик маҳсулот, чакана нархларда 100 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари реализация қилиш мажбуриятини олдилар. Уларнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган социалистик мажбуриятларида қайд этилганидек, бундай юксак кўрсаткичга меҳнат коллективларида ишлаб чиқаришни ташкил этишни ва уни бошқарувни такомиллаштириш, меҳнат ресурсларини жамоат ишлаб чиқаришига актив жалб этиш негизидагина эришиш мумкин. Меҳнат натижаларига баҳо беришда меҳнат ҳиссаси коэффициентини қўллануувчи бригадаларни ташкил этиш давом эттирилади. Янги техникага оид тадбирларни, рационализаторлик таклифларини ва ихтироларни жорий этиш ҳисобига камида 190 миллион сўмлик иқтисодий самара олинади.

Қатор саноат корхоналарининг, транспорт ташкилотлари ва алоқа муассасаларининг коллективлари, маиший хизмат соҳаси ходимларининг 1985 йил учун қабул қилган мажбуриятларида машина-ускуналарнинг сменалилиги коэффициентини 5 процент ошириб, меҳнат унумдорлиги пландан ташқари бир процент ўстирилишини ва маҳсулот таннархининг планга қўшимча яна 0,5 процент арзонлаштирилишини таъминлаш алоҳида қайд этилади. Саноат корхоналарининг меҳнат аҳли ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини ўстириш планини муддатидан олдин бажариш ва планга нисбатан 80 миллион сўмликдан зиёд фойда олинишини таъминлашга қарор берган. Белгиланган топшириққа қўшимча 118 миллион сўмлик моддий ресурслар иқтисод қилинади, тежалган хом ашё, материал, ёқилғи ҳисобига камида икки кун ишлаб берилади. Маҳаллий хом ашё ва иккиламчи ресурслардан 440 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Халқ хўжалигига ва аҳолига транспорт ҳамда алоқа хизмати кўрсатишни юксак савияга кўтариш учун бу йил тармоқларни бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг техникавий ва социал базасини жадал ривожлантириш, янги иш методлари ва илғор тажрибани кенг жорий этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Транспортчилар пландан ташқари 2,6 миллион тонна юк ташиш мажбуриятини олиб ишламоқдалар. Улар корхоналар кучи билан 25 мингта вагонинг ремонтдан чиқарилишини таъминлашга аҳд қилдилар.

Алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат соҳаларида олинган мажбуриятлар ҳам юксакдир. Биргина чакана товар оборот умумий ҳажмининг ўзи пландан 20 миллион сўмлик ошириб бажарилиши керак. Аҳолига планга қўшимча 800 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилади.

Саноат, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг меҳнаткашлари партиямизнинг энг юқори тежамкорликка эришиш юзасидан кўрсатмаларига амал қила бориб, пландан ташқари 87 миллион сўмлик хом ашё, материал ва ёқилғи тежалишига эришадилар, шу жумладан, 117 миллион киловатт-соат электр энергиясини, 181 минг гигакалорий иссиқлик энергиясини тежайдилар ва шунинг ҳисобига ҳар бир корхона ва ташкилотнинг икки кун ишлашини таъминлаш мажбуриятини олдилар. Илғор меҳнат коллективларида беш йилликнинг тугалловчи йилига олинган бу каби юксак мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун кураш дастлабки кунларданоқ авж олдириб юборилди. Ҳисоб-китоблар сўз билан иш бирлиги таъминланган, меҳнат аҳли партия, Ватан ва совет халқи олдидаги бурч даъватига кўра иш олиб бораётган жойларда суръат ўтган йиллардагидан ўзиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

КПССнинг навбатдаги XXVII съездига, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига ва мамлакатимизда стахановчилик ҳаракати бошланганининг 50 йиллигига тайёргарлик республикамиз меҳнат аҳлининг ҳам сиёсий активлиги ва ғайрат шижоатини мисли кўрилмаган даражада жўш урдириб юбордики, бу ишлаб чиқариш суръатининг кун сайин ўсиб боришга беқиёс таъсир кўрсатмоқда. Ҳар бир иш жойида, ҳар бир меҳнат коллективида бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ, унумлироқ ишлаш ҳаракати тобора авж олаётганлиги, айниқса қувончлидир.

Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари корхоналар ва ташкилотларда бу ғайратни янада рағбатлантиришлари, илғорлар тажрибасини умумлаштириб ва кенг оммалаштириб, иш маромининг тезлигини ҳам юксак даражага кўтарилишини таъминлашлари керак. Жойларда олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун кураш шон-шараф ишига айланишига эришиш энг муҳим сиёсий вазифа эканлигини унутмаслик керак.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ВА БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

МУСОБАҚАНИНГ КУЧИ — ОММАВИЙЛИКДА

Халқ номзодлари

ДАЛА ГВАРДИЯЧИСИ

Дамегул Айбосинова Чимбой районидаги Усмон Юсупов номли совхознинг пешқадам механизаторидир. У III даража Меҳнат Шуҳрати ордени нишондори. Дамегул ҳалол, фидокорона меҳнат қилиш билан бирга жамоат ишларида ҳам ўрнак бўлаётир. Хўжалик хотин-қизлар Совети аъзоси сифатида актив фаолият кўрсатмоқда. Яқинда ҳамқишлоқлари Дамегулга юксак ишонч билдириб, уни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар. Суратда: Д. Айбосинова Ўзбекистон ССР Олий Советининг дастлабки депутатларидан бири, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Бекбой Утениёзов билан.

М. Елеусинов фотоси. (ЎзТАГ).

КРЕМЛДА СУҲБАТ

6 февраль куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг машинасозлик соҳасида ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи комитетининг биринчи мажлиси ўтказилиши муносабати билан Москвага келган БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари, БХР машинасозлик министри О. Дойновни, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. Маротини, ВСР машинасозлик ва металлургия министри Нгуен Ван Кхани, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ГДР умумий, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва автомобилсозлик министри Г. Клайберни, Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет Секретариатининг аъзоси, Куба Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари П. Миретни, МХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ч. Суронни, ПХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Шалайдани, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР Бош министрининг ўринбосари Н. Константинни, ЧССР ҳукумати раисининг ўринбосари Л. Герлени, ЮСФР Иттифоқ ижроия вечесининг аъзоси, энергетика ва саноат иттифоқ комитетининг раиси Р. Павловични қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг машинасозлик соҳасидаги иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш, шу кенгашга аъзо бўлган мамлакатлар халқ хўжалигини юксак техникавий даражадаги машиналар ва ускуналар билан таъминлаш, машинасозлик структурасини такомиллаштириш ва уни техника жиҳатидан қайта қуроллантириш билан боғлиқ масалалар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражада ўтказилган Иқтисодий кенгаши қарорлари асосида муҳокама қилинди.

Н. А. Тихонов ўз нутқида, жумладан, совет экономикасини ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш масалаларини муфассал ёритиб берди. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати қардош социалистик мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришга катта аҳамият бераётганликлари таъкидланди.

Суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

ВАТАН ШУҲРАТИНИ МЕҲНАТ БИЛАН ОШИРАМИЗ

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Сайловчиларнинг В. И. ДОЛГИХ билан учрашуви

Партиянинг беш йилликни муносиб тугаллаш тўғрисидаги даъватини совет кишилари астойдил қўллаб-қувватладилар. Меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш, фан-техника тараққиётини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал этишга Липецк меҳнатчилари салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Новолипецк сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод— КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Владимир Иванович Долгих билан 6 февраль куни бўлган учрашувида шу фикр таъкидлаб ўтилди.

Учрашув қатнашчилари ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили—Ю. В. Андропов номидаги Новолипецк металлургия комбинатининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. В. Франценюк В. И. Долгихнинг ҳаёт йўлини гапириб берди, сайловчиларни сайлов куни коммунистлар билан партиясизларнинг бузилмас блоки номзодлари учун якдиллик билан овоз беришга чақирди.

Йиғилишда «Липецкий тракторный завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг сайқалчиси В. К. Швецова, 62-ўрта мактаб муаллимаси Е. С. Малинина, «Липецкстройтранс» трести 1-автобазасининг ҳайдовчиси В. М. Соловьев ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар партия ва Совет давлатининг ички ҳамда ташқи сиёсатини астойдил маъқуллаётганликлари ҳақида, тракторсозлар билан металлургларнинг, химиклар билан энергетиклар беш йилликнинг тугалловчи йили ҳар бир меҳнат кунини зардор меҳнат кунига айлантиришга интилаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Сўнгра йиғилиш аҳли самимий кутиб олган В. И. Долгих сўзга чиқди. Сайлов кампанияси, деб уқтирди у, Ленин партиясининг XXVII съездини, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашаётган совет халқининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда, барча резервларни беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун сафарбар қилиш, экономикани ривожлантиришдаги ижобий тенденцияларни янада мустаҳкамлаш белгиси остида ўтмоқда.

Нотиқ халқ хўжалигини янада ривожлантириш, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш учун белгиловчи аҳамиятга эга бўлган баъзи иқтисодий проблемаларга тўхталиб ўтди. У бутун диққат-эътиборни хўжаликни оқилона юритишга, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан янада тўлатўкис фойдаланиш, молиявий ва моддий ресурсларни тежаш, меҳнат интизомини, кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини янада ошириш зарурлигини таъкидлади.

Яқин орада совет халқи жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга молик воқеа — Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлайди, деди сўзининг охирида В. И. Долгих. Совет кишилари қирқ йилдан бери тинчлик шароитида яшаб меҳнат қилаётганликлари — партиямиз билан давлатимиз ленинча ташқи сиёсатининг асосий якунидир. Ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этиб берилган амалий таклифлар тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Коммунистик партия билан Совет давлати бундан буён ҳам актив тинчликсевар ташқи сиёсатни ўтказаверадилар, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлайверадилар.

(ТАСС).

БУНЁДКОРЛИК ВА ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Сайловчиларнинг В. М. ЧЕБРИКОВ билан учрашуви

6 февраль куни Владивостокда сайловчиларнинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Виктор Михайлович Чебриков билан учрашуви бўлиб ўтди. В. М. Чебриков Ленин сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилмоқда.

Ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — «Дальзавод» кема ремонти корхонаси трубопроводчиларининг бригадири В. Н. Белотелов В. М. Чебриковнинг ҳаёт йўли тўғрисида гапириб, сайловчиларни сайлов кунида коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз беришга даъват этди.

Йиғилишда сўзга чиққан Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, Шуҳрат ордениннинг тўла нишондори Д. Н. Бондаренко, 10-қурилиш бошқармаси бўёқчиларининг бригадири Г. А. Гридина, чегарачи катта сержант Виктор Рябошапко ва бошқалар КПСС билан Совет давлатининг доно ленинча ички ва ташқи сиёсатини бутун халқ маъқуллаётганлиги тўғрисида, ўлка меҳнаткашлари социалистик Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга тинимсиз интилаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш аҳли самимий кутиб олган В. М. Чебриков нутқ сўзлади. У Ленин сайлов округининг сайловчиларига ишончлари учун миннатдорчилик изҳор этиб, бу ишончни совет халқининг синалган авангарди, барча тарихий зафарларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — шонли Ленин партиясига кўрсатилган ишонч деб билажагини таъкидлади. Сайлов вақтида биз бажарилган ишларга якун ясаймиз, келгусидаги вазифаларни белгилаб оламиз, деди сўнгра депутатликка номзод. Совет кишиларининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини бажаришга қаратилган собитқадам, изчил фаолияти аввалги сайловдан кейин ўтган даврга хос хусусият бўлди. Хўжалик ва маданий қурилишда янги-янги муваффақиятларга эришилди. Ривожланган социализм ва шароитида социалистик демократияни янада такомиллаштириш жараёни содир бўлади, барча давлат ва жамоат ишларини ҳал этишда меҳнаткашларнинг қатнашуви тобора активлашиб боради.

В. М. Чебриков давлат хавфсизлиги органларининг иши тўғрисида гапириб, халқаро вазият кескинлашган бир шароитда чекистлар ўзларига нисбатан алоҳида талабчанлик қилиб, сиёсий хушёрликни бутун чоралар билан кучайтираётганликларини, совет тузумига қарши ҳар қандай душманлик кирдикорларига қатъиян чек қўйётганликларини таъкидлаб ўтди. СССР Давлат хавфсизлиги комитети органларининг бутун фаолияти партия улар олдига қўйётган вазифаларни бажаришга бўйсундирилган. Партиявий раҳбарликнинг ленинча принципи улар фаолиятининг қатъий қонуни бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва ҳамиша шундай бўлиб қолаверади.

Партиянинг сиёсатини бутун халқ қўллаб-қувватламоқда, деди сўзининг охирида В. М. Чебриков. Унинг даъватларини омма астойдил маъқуллаб кутиб олмоқда. Партия марксча-ленинча назарияга амал қилиб ва уни ижодий ривожлантириб меҳнаткашларнинг манфаатларини тўғри ифода этаётганлиги учун ҳам шундай бўлмоқда.

(ТАСС).

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАБ

6 февраль куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг машинасозлик соҳасида ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи комитетининг биринчи мажлиси ўтказилиши муносабати билан Москвага келган ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. Маротини қабул қилди. Совет — Венгрия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

ЮКСАК АКТИВЛИК ВАЗИЯТИДА

Республикада сайловчиларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар билан учрашувлари давом этмоқда.

Фарғона область **416-Марғилон сайлов округи** сайловчилари республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Оқил Умурзоқович Салимов** билан учрашдилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — табиий ипак ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш марказий илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими Г. Н. Жихарская О. У. Салимовнинг ҳаёти, меҳнат ва ижтимоий фаолияти тўғрисида гапириб берди, сайловчиларни сайлов кунида коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун аҳиллик билан овоз беришга чақирди.

Йиғилишда сўзга чиққан 56-ремонт-қурилиш бошқармаси дурадгорлар бригадири А. Аҳмедов, шаҳар медицина бирлашмасининг врачи Ш. А. Маматова, Марғилон шаҳридаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси Л. П. Овсянников, партия ветерани, уруш ва меҳнат ветерани А. Собиров ва бошқа нотиқлар барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС ва Совет давлатининг ички ҳамда ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини ва маъқуллаётганликларини, совет Ватани қудратини мустаҳкамлашга қўшадиган ҳиссаларини кўпайтиришга, КПСС XXVII съездини ҳамда фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги умумхалқ байрамини муносиб кутиб олишга интилаётганликларини таъкидладилар.

О. У. Салимов юксак ишонч учун сайловчиларга самимий миннатдорчилик билдирди ва бу ишончни амалий ишлар билан оқлайман, олинган наказларни бажараман, деб ваъда берди.

(ЎзТАГ).

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ, МОНТАЖ, СУВ ХЎЖАЛИГИ, ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ ҲАМДА ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ 1985 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари каби бинокорлик материаллари саноати ҳамда қурилиш индустриясининг қурилиш, монтаж, сув хўжалиги, лойиҳалаш ташкилотлари, корхоналарининг коллективлари ҳам партия XXVI съездининг ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошириш борасида сабот билан ишламоқдалар. 1984 йилда улар республиканинг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга янги ҳисса қўшдилар, саноат ва қишлоқ хўжалигида ўнлаб янги корхоналар, уларнинг филиаллари ва цехларини, кўплаб уй-жой ва маданий-маиший объектларни барпо этиб, ишга туширдилар. Ўзбекистон металлургия заводида «300—2» прокат станнининг биринчи навбати, Учқулоч руда кони, Муборак газни қайта ишлаш заводида газни қайта ишловчи, Фарғонадаги «Азот» бирлашмасида карбамид ва Самарқанддаги химия заводида аммофос, Тошкент лак-бўёқ заводида лак ва бўёқлар ишлаб чиқарувчи янги қувватлар ҳамда Самарқанд шаҳридаги «Красный двигатель» заводида ишга туширилган янги қувватлар шулар жумласидандир. Тошкентдаги 2-уйсозлик комбинатининг қувватлари кенгайтирилди, Урганчда темир-бетон заводи ишга туширилди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни янада ривожлантиришга талайгина ҳисса қўшилди. Паркентда, Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов районида, Ургутда, Китоб, Жарқўрғон, Ленинск, Боғот, Ёрқишлоқ, Пойтуғда тўқимачилик комбинатларининг филиаллари, Жиззах областидаги «Москва» колхозида Жиззах устки трикотаж фабрикасининг филиали, Андижон ип газлама ва Тошкент тўқимачилик комбинатларида тайёр ип газлама чиқарувчи қувватлар, Андижон областининг Ильичевск шаҳрида пайпоқ фабрикаси ва бошқалар ишга туширилди.

Озиқ-овқат программасини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни бажаришга, агросаноат комплексининг ва аввало қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга катта эътибор берилди. 74,3 минг гектар янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилди, суғориб келинган 111,6 минг гектар майдондаги ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ерларни обдон текислаш ҳамда суғориш системаларини қайта қуриш планлари ошириб адо этилди. Тухум ва гўшт етиштиришга мўлжалланган бир қанча паррандачилик фабрикалари, чорвачилик бинолари, озуқа цехлари барпо этилди.

Салкам 6 миллион квадрат метр уй-жой, 132,2 минг ўқувчига мўлжалланган умумий таълим мактаблари, 38 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 2,84 минг ўринли касалхоналар ва 6,7 минг беморнинг қатнашига мўлжалланган поликлиникалар қурилди.

Бригада пудрати методи ҳамма жойда оммалашди, шундай методни қўлланиш билан қурилиш-монтаж ишларининг ярмидан кўпроғи бажарилди.

Республика бинокорлик материаллари саноати ҳамда қурилиш индустриясининг қурилиш, монтаж, сув хўжалиги, лойиҳалаш ташкилотлари, корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг мамлакатни иқтисодий ва социал жиҳатдан янада ривожлантиришга оид кўрсатмаларига амал қилиб ҳамда КПСС XXVII съездини, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини ва совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун меҳнат вахтасида туриб 1985 йил учун қуйидаги мажбуриятларни қабул қилдилар:

Фан-техника ютуқларини, илғор тажрибани ишлаб чиқаришга кенг кўламда татбиқ қилиш, бригада пудратини жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтининг зое кетишини тугатиш, меҳнат ресурсларини, моддий ва молиявий ресурсларни ишга туширилаётган объектларга энг кўп даражада жамлаш ҳисобига товар бинокорлик маҳсулотини топшириш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани 28 декабргача бажарилади.

Тошкент мотор заводида двигателлар ва Андижон областидаги Охунбобоев подшипник заводида подшипниклар ишлаб чиқарувчи қувватлар, Фарғона химия заводининг биринчи навбати муддатидан илгари ишга туширилади.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилиши ва ишга туширилишини жадаллаштириш учун социалистик мусобақа давом эттирилади. Чортоқ ва Хўжаободда тикувчилик трикотаж фабрикалари, шунингдек тўқимачилик комбинатлари ҳамда енгил саноат бошқа корхоналарининг янги филиаллари муддатидан илгари ишга туширилади.

Капитал маблағлар ва қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек енгил саноат ҳамда озиқ-овқат саноати корхоналари учун уй-жойларни, социал-маданий ҳамда маиший объектларни фойдаланишга топшириш йиллик плани 25 декабргача бажарилади.

Бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни ва қурилиш индустрияси корхоналарини ривожлантиришга ажратилган капитал маблағлар муддатидан илгари, 26 декабргача ўзлаштирилади. Жиззах ва Фарғонада темир-бетон буюмлар ишлаб чиқарувчи янги қувватлар фойдаланишга топширилади.

81 минг гектар майдонда янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилади ва 90 минг гектар майдондаги мавжуд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Йилига 6,25 миллион парранда гўшти етиштириш учун боқиладиган паррандачилик фабрикалари, бузоқлар сўйимга боқиладиган комплекслар, чорвачилик учун бир қанча озуқа цехлари, Хоразм областининг Хонқа шаҳрида ғалла маҳсулотлари комбинати ва шоли заводи барпо этилади.

Ноқоратупроқ зона областларида мелиорация ишлари ва Ғарбий Сибирь нефть қазиб чиқариш комплекси районида йўллар қурилиши топшириғи барвақт адо этилади, Байкал—Амур темир йўл магистралининг Куанда ва Леприндо станцияларида турар жой посёлкалари қуриш ишлари давом эттирилади.

Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 6,3 миллион квадрат метр уй-жой, шуларнинг камида 40 проценти йилнинг биринчи ярмида фойдаланишга топширилади. Мактаблар, болалар боғчалари, ҳунар-техника таълими билим юртлари, соғлиқни сақлаш, савдо, аҳолига маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш, социал таъминот, илм-фан, халқ маорифи ва маданият объектлари белгиланган муддатларда ва барвақт ишга туширилади.

Меҳнат унумдорлигини 1 процент ўстириш ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини 0,5 процент арзонлаштириш топшириғи ошириб адо этилади. Тугалланмаган қурилиш ҳажми камайтирилади. Қурилиш-монтаж ишларининг 60 проценти, уй-жой қурилишида эса 85 проценти бригада пудрати методи билан бажарилади. Барча уйсозлик комбинатларида бригада потокларининг узлуксиз пудрат методи жорий этилади.

Сифатни бошқариш комплекс системасини такомиллаштиришни давом эттириб, янги прогрессив ва самарали бинокорлик материалларини жорий эта бориб, объектларнинг «яхши» ва «аъло» баҳолар билан, гарантия паспортлари билан фойдаланишга топширилишига эришилади. Лойиҳа-смета иши такомиллаштирилади, лойиҳаларда қурилишнинг замонавий фан ва техника ютуқлари қўлланилиши кўзда тутилади.

Қатъий иқтисод ва тежамкорлик режими учун ҳаракат бутун чоралар билан ривожлантирилади, 25000 тонна қора металлар прокати, 102000 тонна цемент, 44000 кубометр ёғоч-тахта, 100 миллион киловатт-соат электр энергияси, 8000 тонна шартли ёқилғи, 5000 тонна дизель ёнилғиси, 3000 тонна автомобиль бензини, 36 минг гигакалорий иссиқлик энергияси тежаб қолинади, тежалган хом ашё ва материаллар билан икки кун ишлаб берилади.

Буюртмачи корхоналар ва ташкилотларнинг коллективлари қурилишларни технологик ва ностандарт ускуналар ҳамда махсус материаллар, сифатли лойиҳа-смета ҳужжатлари, ишлатувчи ходимларни малакали кадрлар билан ўз вақтида таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари ўзлаштириш мажбуриятини оладилар.

Ташкилотлар ва корхоналар бўйича қуйидаги мажбуриятлар қабул қилинади:

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИ

Товар қурилиш маҳсулоти юзасидан йиллик план 28 декабргача бажарилади.

Ўзбекистон металлургия заводида қувур заготовкасини механик усулда тозалайдиган ишлаб чикариш қувватлари 7 ноябргача, Ангрен шаҳридаги «Резинотехника» заводида технологик жиҳозлар корпуси 20 декабрда, Фарғона фуран бирикмалар химия заводи ноябрь ойида, Фарғонада 3-темир-бетон буюмлар заводидаги ишлаб чиқариш қувватлари ноябрь ойида, Андижон гидролиз заводидаги ишлаб чиқариш қувватлари 15 декабргача, Наманган областининг Чуст шаҳридаги босмахона 10 декабрда, Наманган шаҳридаги телевизион ателье 15 декабрда, Урганч шаҳридаги маиший хизмат уйи 20 декабргача муддатидан илгари фойдаланишга топширилиши таъминланади.

Уй-жойларни фойдаланишга топшириш йиллик плани 25 декабргача бажарилиши таъминланади ва пландан ташқари 10 минг квадрат метр турар жой топширилади, барча умумий таълим мактаблари ўқув йили бошланишигача ишга туширилади.

Қурилишда барча конструкциялари тўла йиғиладиган катта-катта элементлар, узеллар, панеллар ва блоклардан фойдаланиш салмоғи саноат қўламидаги қурилишнинг мўлжалдаги қурилиш-монтаж ишлари умумий ҳажмининг 79 процентига қадар етказилади.

1985 йилда ишлаб чиқариш объектлари ҳамда маданий-маиший объектларда 168 минг квадрат метр ҳажмида янги прогрессив ва самарали материаллар ҳамда конструкциялар, шу жумладан индустриал ғовлар жорий этилади.

Бригада пудратини қўлланиб бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари салмоғи 60 процентга қадар етказилади. Тўқизта уйсозлик комбинатида узлуксиз ишлайдиган бригада пудрати жорий этилади.

Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига умуман министрлик бўйича қўл ишлари салмоғи 2,0 процент, шу жумладан ер қазиш ишларида 2,5 процент, юк ортиш-туширишларида 3,6 процент, бетон ишларида 5,2 процент, суводчилик ишларида 3,2 процент, бўёқчилик ишларида 1,6 процент, том ёпиш ишларида 1,8 процент камайтирилади.

Ишга туширилиши режалаштирилган объектларнинг камида 90 процентини «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилиши таъминланади. Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг сифати яхшиланади.

Қурилиш ва саноатда меҳнат унумдорлиги планда белгиланган топшириққа нисбатан 1 процент оширилади ҳамда қурилиш-монтаж ишлари билан чиқарилаётган саноат маҳсулотининг таннархи планга нисбатан 0,5 процент арзонлаштирилади, планга қўшимча 200 минг сўмлик фойда олинади. Қуриб битказилмаган корхоналар ҳажми 1984 йилги даражага нисбатан 2 процент камайтирилади.

Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 7,5 миллион сўмлик шартли иқтисодий самара олинади. 9328 тонна металл прокати, 1500 тонна цемент, 5900 кубометр ёғоч-тахта, 3000 тонна шартли ёқилғи, 10,0 минг гигакалорий иссиқлик энергияси ва 6,2 миллион киловатт-соат электр энергияси, 2404 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари тежаб қолинади. Қурилишларда ва саноат корхоналарида тежаб қолинган ресурслар билан икки кун ишлаб берилади.

Ўзининг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш юзасидан асосий фондларни ишга туширш плани 25 декабргача бажарилади. 20,3 минг квадрат метр уй-жой ва 160 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилади.

9,2 минг нафар ишчи, 2,2 минг нафар инженер-техник ходим ва хизматчи тайёрланиб, уларнинг малакаси оширилади. 3000 ходим министрликнинг пансионатларида ва қурувчиларнинг 55 минг фарзанди пионер лагерларида дам олиш учун йўлланмалар билан таъминланади.

Министрлик ташкилотларининг ёрдамчи хўжаликларида гўшт етиштириш 240 тоннага, сут 45 тоннага, тухум 620 минг донага, сабзавот ва мева 190 тоннага етказилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИ

Буюртмачиларга тайёр товар қурилиш маҳсулотини топшириш ва саноат маҳсулоти реализация қилиш плани 30 декабрда бажарилади ҳамда планга қўшимча равишда 200 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади.

Пландан ташқари 5000 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади. Барча умумий таълим мактаблари ўқув ойида—муддатидан илгари ишга туширилади.

Андижон областининг Хўжаобод шаҳрида тикувчилик-трикотаж фабрикаси 15 декабргача, Тошкентдаги 1-паррандачилик фабрикасининг учинчи навбати СССР Конституцияси куни — 7 октябрда, Қашқадарё областидаги Яккабоғда Кексалар уйи — 20 ноябргача, Фарғона областидаги «Бўстон» зотли паррандачилик совхозининг иккинчи навбати—7 ноябрга, Қашқадарё областидаги «Зарафшон» совхозида бузоқ парвариш қилинадиган комплекс сентябрь ойида муддатидан илгари ишга туширилади.

Объектларнинг камида 90 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилади.

Қурилиш ва монтаж ишларини ташкил этишнинг илғор методларини жорий этиш йўли билан қўлда бажариладиган ишлар ҳажми 1 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари ҳисобига ер қазиш ишларида — 1984 йилда эришилган даражага нисбатан 5 процент, бетон ишларида 4, суводчилик ишларида 2,5, бўёқчилик ишларида 2 ва юк ортиш-туширишларида 4 процент камайтирилишига эришилади.

Қурилиш-монтаж ишларининг камида 60 проценти бригада пудрати методи билан бажарилади, товар саноат маҳсулотининг 40 проценти шундай метод билан топширилади ва автомобилда юк ташишнинг 35 проценти шундай пудрат асосида адо этилади.

Қурилиш-монтаж ишларининг, автомобилда юк ташишнинг таннархи ва товар маҳсулотнинг 1 сўмига кетадиган харажатлар белгиланган топшириққа нисбатан 0,5 процент камайтирилади. Қуриб битказилмаган корхоналар ҳажми 1984 йилги даражадан 2 процент камайтирилади.

Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий этишдан 4 миллион сўмлик шартли иқтисодий самара олинади.

3356 тонна металл прокати, 3296 тонна цемент, 8000 кубометр ёғоч-тахта, 757 минг киловатт-соат электр энергияси, 3000 гигакалорий иссиқлик энергияси, 704 тонна шартли ёқилғи, 6000 тонна дизель ёнилғиси ва 568 тонна автомобиль бензини тежаб қолинади. Тежалган ресурслар билан икки кун ишлаб берилади.

Халқ истеъмол моллари 1984 йилги даражадан икки баравар кўп ишлаб чиқарилади.

5500 киши қурувчилик касбларига ўргатилади, 7660 ишчининг ва 1420 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади.

Жами саҳни 32,6 минг квадрат метр ўз уй-жойлари, 2400 квадрат метр санитария-маиший бинолари фойдаланишга топширилади, Иссиққўлдаги «Дилором» пансионатида 1750 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи соғломлаштирилади.

Ёрдамчи хўжаликлар 90 тага етказилади, уларда 50 тонна гўшт, 100 тонна сут, 10 минг дона тухум, 90 тонна сабзавот етиштирилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ МИНИСТРЛИГИ

Пудрат ишлари ва товар қурилиш маҳсулотлари йиллик плани 28 декабргача бажарилади. Пландан ташқари 2,0 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Саноат корхоналари маҳсулотини реализация қилиш плани 30 декабрда бажарилади ва планга қўшимча равишда 350 минг сўмлик шундай маҳсулот реализация қилинади.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкент трактор заводида, Намангандаги «Пятилетка» нотўқима материаллар фабрикасида, Фарғона фуран бирикмалари химия заводида ва Ангрен резинатехника заводида ишлаб чиқариш қувватлари илдам ишга туширилишини таъминловчи монтаж ҳамда махсус қурилиш ишлари муддатидан илгари бажарилади.

Ишлар ҳамда тайёрлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг сифати оширилади, объектларнинг камида 98,5 процентининг «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилишига, қўл меҳнати 2 процент камайтирилишига эришилади.

Қурилиш-монтаж ишлари йиллик ҳажмининг камида 60 проценти бригада пудрати методи билан бажарилади.

Монтаж ишларининг техникавий даражасини ошириш асосида қурилиш ва саноатда меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан белгиланган топшириқлар 1 процент ошириб адо этилади.

Қурилиш-монтаж ишларининг таннархи белгиланган топшириққа нисбатан 0,5 процент арзонлаштирилиши таъминланади, тугалланмаган қурилиш ҳажми планда белгиланган нормативларга қадар камайтирилади. Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 3,3 миллион сўмлик шартли иқтисодий самара олинади.

460 тонна металл прокати ва қувурлар, 710 минг киловатт-соат электр энергияси, 110 тонна дизель ёнилғиси, 100 тонна автомобиль бензини ва 180 гигакалорий иссиқлик энергияси тежаб қолинади. Шу ҳисобдан тежалган материаллар билан икки кун ишлаш таъминланади.

3100 киши монтажчи касбларига ўргатилади, 3500 ишчи билан 550 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади, монтажчиларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида 9700 квадрат метр ўз уй-жойи қурилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ЙУЛЛАРИ ҚУРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ МИНИСТРЛИГИ

Пудрат ишлари плани 28 декабрда, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш плани эса 30 декабрда бажарилади, пландан ташқари 1,0 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, қўшимча 0,1 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади.

Камида 400 километр автомобиль йўлига асфальт ва бетон ётқизилади, 700 километр йўл бирмунча юқори техникавий категорияларга ўтказилади, асфальт-бетон ётқизилган автомобиль йўлларининг камида 1200 километр узайтирилиши таъминланади.

Ғарбий Сибирь нефть-газ комплекси районида 40 километр автомобиль йўли 1985 йилнинг 1 декабригача, тасдиқланган муддатдан бир ой барвақт фойдаланишга топширилиши ва пландан ташқари 10 километр йўл ишга туширилиши таъминланади.

Объектларнинг камида 90 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилади.

Қурилиш-монтаж ишларининг 60 проценти бригада пудрати методи билан бажарилади.

Тугалланмаган қурилиш ҳажми тасдиқланган нормативга нисбатан камида 10 процент қисқартирилади.

Янги техникани ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига камида 2,0 миллион сўмлик шартли йиллик иқтисодий самара олинади.

Белгиланган топшириқни ҳисобга олиб, 85 тонна металл прокати, 210 тонна цемент, 100 кубометр ёғоч-тахта, 21000 гигакалорий иссиқлик энергияси, 4697 тонна шартли қозон-печь ёқилғиси тежаб қолинади. Тежалган ресурслар билан икки кун ишлаб берилади.

510 нафар янги ишчи тайёрланади, 545 ишчи билан 287 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади.

Ёрдамчи хўжаликларда гўшт, сут ва тухум етиштиришнинг 5 процент, сабзавот ва мева етиштиришнинг 7 процент кўпайтирилишига эришилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ

Товар қурилиш маҳсулоти реализация қилиш йиллик плани 20 декабргача, саноат маҳсулоти реализация қилиш йиллик плани 25 декабргача бажарилади ва қўшимча равишда 8 миллион сўмлик товар қурилиш маҳсулоти ҳамда 0,8 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади.

Белгиланган пландан ташқари минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, илгаридан суғориб келинган 2 минг гектар ер обдон текисланади ва 10000 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади. КПСС XXVII съезди бошланадиган кунгача 708 миллиард кубометр сув сиғадиган Туямўйин сув омбори қуриб битказилади. Ҳисорак сув омборида тўғон вегетацияга тахт қилиб қўйилади ва 60 миллион кубометр сув тўпланади, Хоразм областидаги Қизилқум массивида ва Қорақалпоғистон АССРнинг Бўзатов районида ҳар бири 200 ўринли иккита молхона ишга туширилади, Хоразм областидаги Дружба шаҳрида ғиштт заводи, Наманган областидаги Ахси посёлкасида шағал заводи фойдаланишга топширилади, ўқув йили бошлангунга қадар 2672 ўринли мактаблар фойдаланишга топширилади.

Қурилишда меҳнат унумдорлиги 0,2 процент, саноатда 1,0 процент оширилади ва қурилиш-монтаж ишлари таннархи пландагига нисбатан 0,1 процент ва саноат маҳсулоти таннархи 0,5 процент арзонлаштирилади.

РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида оталиқ ёрдами ишлари кучайтирилади. Ноқоратупроқ зона объектларида пудрат ишлари планини 25 декабргача бажариш таъминланади.

Қурилиш-монтаж ишларининг 63 проценти бригада пудрати методи асосида бажарилади, қуриб битказилмаган корхоналар планда кўзда тутилган нормативларгача камайтирилади.

Қурилиш сифати оширилади, объектларнинг камида 96 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилади.

240 та рационализаторлик таклифини жорий этишдан 1,6 миллион сўм иқтисодий самара олинади.

Министрлик ходимлари учун 50 минг квадрат метр уй-жой, 570 ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари қурилади ва фойдаланишга топширилади. Дам олиш уйлари ва зоналарида, санаторий-профилакторийларда 13,1 минг киши ўз саломатлигини яхшилайди.

Пландан ташқари 50 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. Ёрдамчи хўжаликларда 110 тонна гўшт, 70 тонна сут, 150 минг дона тухум ва 300 тонна сабзавот етиштирилади ва реализация қилинади.

1395 тонна металл прокати, 7400 тонна цемент, 3400 кубометр ёғоч-тахта, 5700 тонна қозон-печь ёқилғиси, 150 тонна дизель ёнилғиси ва 210 тонна автобензин, 3 миллион киловатт-соат электр энергияси, 3000 гигакалорий иссиқлик энергияси иқтисод қилинади. Бир йилда икки кун тежалган ресурслар ҳисобига ишлаб берилади.

Ишлаб чиқаришда 7,1 минг янги ишчи тайёрланади ва 10 минг кишининг малакаси оширилади.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»

Товар қурилиш маҳсулоти плани 30 декабргача бажарилади. Планга қўшимча равишда 0,8 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади ва 0,4 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Халқ истеъмол моллари саноати тармоқлари бўйича қурилиш-монтаж ишлари плани 30 декабргача, уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани 29 декабрда бажарилади.

Иккита ҳунар-техника билим юрти, абразив комбинатида ва «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида қувватлар белгиланган муддатдан бир ой илгари фойдаланишга топширилади. Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллиги байрамигача пойабзал уйи биноси ишга туширилади. Ишга туширилади барча умумий таълим мактаблари ўқув йили бошлангунга қадар фойдаланишга топширилади.

Қурилишда ва саноатда меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 1 процент, қурилиш-монтаж ишлари таннархини арзонлаштириш 0,5 процент ошириб бажарилади. Қўл меҳнатининг ялпи салмоғи 1 процент қисқартирилади, йирик панелли уйсозлик ялпи салмоғи 82 процентга етказилади.

Қурилиш-монтаж ишлари ва саноат маҳсулоти сифати оширилади, уй-жой ва маданий-маиший объектлар «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилишига эришилади. Фойдаланишга топириладиган уй-жойларнинг 75 процентига гарантия паспортлари берилиши таъминланади.

Қурилиш-монтаж ишларининг камида 62 проценти, шу жумладан, уй-жой қурилишида 82 проценти бригада пудрати методи асосида бажарилади.

Рационализаторлик таклифларидан фойдаланиш туфайли 4,3 миллион сўмлик ва янги техникага оид тадбирларни жорий этишдан 1,4 миллион сўмлик иқтисодий самара олинади.

7500 тонна цемент, 1310 тонна металл прокати, 2375 кубометр ёғоч-тахта, 5,1 миллион киловатт-соат электр энергияси, 46400 гигакалорий иссиқлик энергияси, 11 минг тонна қозон-печь ёнилғиси, 700 тонна дизель ёнилғиси, 250 тонна автобензин тежалади. Иқтисод қилинган материал, энергия ва ёқилғи ҳисобига икки кун ишлаб берилади.

10230 ишчи, 1065 инженер-техник ходим ва хизматчи тайёрланади ҳамда малакаси оширилади. Иқтисодий таълимнинг турли формаларига 20 минг киши жалб этилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Тайёр товар қурилиш маҳсулотини топшириш йиллик плани 25 декабргача бажарилади, пландан ташқари 3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш плани 1985 йилнинг 28 декабрида бажарилади, планга қўшимча равишда 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

Пландан ташқари 100 гектар янги суғориладиган ер ўзлаштирилади, 500 гектар майдондаги ер текисланади, 1000 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, 1000 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади.

Наманган областининг Чортоқ шаҳридаги тикувчилик-трикотаж фабрикаси 20 декабргача, Навоий областидаги Қизилтепа насос станцияси 20 апрелгача қуриб битказилади ва фойдаланишга топширилади, Катта Наманган каналида насос станцияси қурилиши 1 майгача битказилади.

Объектларнинг 98 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан, барча объектларнинг гарантия паспортлари билан топширилишига эришилади.

Қурилишда ва саноатда янги техника планига оид 33 та тадбир жорий этилади. Фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишдан олинадиган иқтисодий самара 3 миллион сўмга етказилади ва 443 киши шартли равишда бўшатиб олинади.

Қурилиш ташкилотларида қўл меҳнати даражаси 2 процент қисқартирилади. Камида 60 процент қурилиш-монтаж ишлари бригада пудрати методи билан бажарилади.

Белгиланган топшириққа қўшимча равишда меҳнат унумдорлиги 1 процент оширилади ва қурилиш-монтаж ишлари таннархи 0,5 процент арзонлаштирилишига эришилади. Битказилмай қолган корхоналар 5 процент камайтирилади.

760 та рационализаторлик таклиф жорий этилади ва уларни жорий этишдан 2,5 миллион сўмлик иқтисодий самара олинади.

468 тонна металл прокати, 5412 тонна цемент, ўрта ҳисобда 2358 кубометр ёғоч-тахта, 17350 гигакалорий иссиқлик энергияси, 16620 минг киловатт-соат электр энергияси, 2345 тонна шартли қозон-печь ёқилғиси, 21 тонна дизель ёнилғиси иқтисод қилинади, шунинг ҳисобига тежалган материаллар билан икки кун ишланади. 5450 ишчи ва 713 инженер-техник ходим ҳамда хизматчининг малакаси оширилади.

Ишчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун 25,3 минг квадрат метр уй-жой майдони, ҳар бири 140 ўринли иккита болалар боғчаси, 50 ўринли 3 та ошхона, 5 та магазин ишга туширилади, 200 ўринли 2 та пионер лагери фойдаланишга топширилади.

Ёрдамчи хўжаликларда 85 минг дона тухум, 90 тонна сут, 1000 тонна сабзавот ва мева реализация қилинади.

Қарамоғидаги корхоналарда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпайтирилади ва уларнинг сифати яхшиланади.

«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»

Йиллик пландан ташқари 3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади ва 1 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади.

31 минг гектар янги суғориладиган ер, жами саҳни 360 минг квадрат метр уй-жой, 6240 ўқувчига мўлжалланган умумий таълим мактаблари, 2230 ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари фойдаланишга топширилади. Мактаблар қурилиши ўқув йили бошлангунга қадар тугалланади.

Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги кунигача Жиззах шаҳрида қўшимча буюмлар заводи, Жиззах дашт совхозларида 400 бош қорамол боқиладиган ферма, 300 шартли ремонт қилишга мўлжалланган ремонт-механика устахонаси, Қарши даштида 800 бош қорамол боқиладиган ферма фойдаланишга топширилади. Мелиораторлар кунигача Қирққиз магистрал канали 20 километр узайтиришга тайёрланади, Жиззах даштидаги 2-насос станциясида иккита агрегат ишга туширилади.

РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси хўжаликларига оталиқ ёрдами давом эттирилади. Иваново областида 1500 гектар ботқоқ ернинг захи қочирилади ва 1000 гектар ер сув билан таъминланади. Жами саҳни 6 минг квадрат метр уй-жой қурилади ва фойдаланишга топширилади.

Объектларнинг 92 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан, шу жумладан 63 проценти гарантия паспортлари билан топширилади.

Қурилишда пландан ташқари меҳнат унумдорлиги 1 процент оширилади ва қурилиш-монтаж ишлари таннархи 0,5 процент арзонлаштирилади.

Қурилиш-монтаж ишларининг 65 проценти бригада пудрати методи асосида бажарилади.

23250 тонна цемент, 4050 тонна металл прокати, 16600 кубометр ёғоч-тахта, 10 миллион киловатт-соат электр энергияси, 8 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 100 тонна шартли ёқилғи, 400 тонна ёнилғи-мойлаш материали иқтисод қилинади. Тежалган материаллар ҳисобига икки кун ишлаб берилади.

Рационализаторлик таклифлари ва ихтиролларини жорий этиш ҳисобига 4,6 миллион сўмлик шартли иқтисодий самара олинади.

18500 янги ишчи тайёрланади, 28 минг ишчи ҳамда 900 инженер-техник ва раҳбар ходимнинг малакаси оширилади.

Ёрдамчи хўжаликларда гўшт етиштириш 400 тоннага, сут 390 тонна, тухум 180 минг дона, сабзавот ва картошка 400 тоннага етказилади.

«УЗКОЛХОЗСТРОЙ» БИРЛАШМАСИ

Пудрат ишлари плани 26 декабрда адо этилади ва планга қўшимча равишда 3,8 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Саноат маҳсулоти реализация қилиш плани 27 декабрда бажарилади ва планга қўшимча равишда 150 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Чорвачилик биноларини фойдаланишга топшириш плани 1 декабрда, уй-жойлар, шу жумладан уй-жой қурилиш кооперативларининг уйлари ва якка тартибда уй-жой қуриш плани 25 декабрда бажарилади. Барча мактаблар ўқув йили бошлангунча ишга туширилади.

Сурхондарё областидаги Қорасув посёлкасида ғишт заводи ва Наманган областининг Оқтош посёлкасида 50 минг кубометр керамзит ишлаб чиқариладиган цех муддатидан илгари фойдаланишга топширилади.

Белгиланган планга қўшимча равишда меҳнат унумдорлиги қурилишда бир процент, саноатда 0,5 процент оширилади ва қурилиш-монтаж ишлари таннархи 0,5 процент арзонлаштирилади. Янги техника ва рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 4150 минг сўмлик иқтисодий самара олинади.

65,5 процент қурилиш-монтаж ишлари бригада пудрати методи асосида бажарилади, қўл меҳнати 1984 йилдаги даражага нисбатан 2,3 процент қисқартирилади.

Қурилишда тўла йиғиладиган катта ҳажмдаги элементлардан фойдаланиш қурилиш-монтаж ишлари ҳажмида 160 миллион сўмликка, йирик панелли уйсозлик 80 минг квадрат метрга етказилади.

Битказилмай қолган корхоналар ҳажми 8 процент қисқартирилади. Ғишт заводлари ва темир-бетон буюмлари полигонларининг қувватларидан фойдаланиш коэффициенти 5 процент оширилади.

Уй-жой-граждан объектлари одатдагидек гарантия паспортлари билан, объектларнинг камида 90 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилади.

3045 кубометр ёғоч-тахта, 6500 тонна цемент, 1500 тонна металл прокати, 3,2 минг тонна шартли қозон-печь ёқилғиси, 13700 гигакалорий иссиқлик энергияси, 13,3 миллион киловатт-соат электр энергияси, 20,86 тонна дизель ёнилғиси иқтисод қилинади. Тежалган ресурслар ҳисобига бир йилда икки кун ишлаб берилади.

5340 янги ишчи тайёрланади ва 6300 ишчининг малакаси оширилади, 4,0 минг квадрат метр уй-жой, 90 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилади.

Қишлоқда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш давом эттирилади. Сўйилган вазнда 5,0 минг центнер гўшт, 2,5 минг центнер сут ва 35 центнер асал етиштирилади.

НАВОИЙ

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАЙЛИК!

(Бошқ иккинчи бетда).

Азотли ўғитлар тайёрлайдиган градирня, ишлаб чиқариш чиқитлари сақланадиган омбор, санитария-техника заготовкаси тайёрлайдиган цех ва аэровокзал биноси муддатидан илгари ишга туширилади. Пландан ташқари 2 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади.

Барча объектлар «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топширилади. Қуриб битказилмаган корхоналар ҳажми 2 процент камайтирилади.

Қурилишда меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 0,2 процент ошириб адо этилади ва планда белгиланган таннарх 0,3 процент арзонлаштирилади. Қурилиш-монтаж ишлари умумий ҳажмининг камида 48 проценти бригада пудрати методи билан бажарилади.

Янги техникани, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 1 миллион 350 минг сўмлик шартли иқтисодий самара олинади.

195 тонна цемент, 56 тонна металл, 150 кубометр ёғоч-тахта, 1524 миллион киловатт-соат электр энергияси, 1896 гигакалорий иссиқлик энергияси, 156 тонна ёқилғи, 460 тонна бензин, 650 тонна дизель ёнилғиси тежаб қолинади.

Ишчи ва инженер-техник кадрларнинг малакасини ошириш тадбирлари кўрилади, 2250 киши тайёрланади, 3100 ишчининг малакаси оширилади, 2500 киши иқтисодий таълимга жалб этилади, ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш давом эттирилади.

«ГЛАВСРЕДАЗНЕФТЕГАЗСТРОЙ»

Товар қурилиш маҳсулоти ва қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани 29 декабргача муддатидан илгари ado этилади. Пландан ташқари 276 минг сўмлик ҳажмда шундай ишлар бажарилади.

Бухоро газ қазиб чиқариладиган райони, Тошкент — Фрунзе — Олмаота газ қувурининг 47,2 километр узунликдаги участкаси ва Муборак шаҳридаги компрессор станцияси муддатидан илгари ишга туширилади.

Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 1 процент оширилади ва қурилиш-монтаж ишлари таннархи 0,5 процент арзонлаштирилади. Тугалланмаган қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилги даражага нисбатан 15 процент камайтирилади.

Қурилиш сифати оширилади, топширилаётган объектлар сифатининг ўртача баҳоси 4,2 баллга, «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топширилиадган объектлар камида 90 процентга етказилади.

Қурилиш-монтаж ишларини оқилона юритиш ишларига тежалган ресурслар билан икки кун ишланади, 175 тонна қора металлар прокати, 305 тонна цемент, 100 кубометр ёғоч-такта, 220 минг киловатт-соат электр энергияси, 300 тонна шартли ёқилғи, 300 гигакалорий иссиқлик энергияси, 100 тонна автомобиль бензини, 70 тонна дизель ёнилғиси тежаб қолинади.

Қурилиш-монтаж ишларининг камида 60 проценти бригада хўжалик ҳисоби методи билан бажарилади, 280 минг сўмлик шартли йиллик иқтисодий самара берадиган 153 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилади.

2067 нафар ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи тайёрланиб, уларнинг малакаси оширилади. Ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш давом эттирилади, 50 тонна гўшт етиштирилиб, реализация қилинади.

«УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» ТРЕСТИ

Янги Ангрен ГРЭСида 300 минг киловатт қувватли иккинчи энергоблок муддатидан илгари, Энергетиклар кунигача ва Муборак газни қайта ишлаш заводи ТЭЦида 50 минг киловатт қувватли иккинчи агрегат билан соатига 500 тонна буғ берадиган қозон ноябрь ойида фойдаланишга топширилади, 1985 йилнинг октябрида Тошкент шаҳридаги «Северная» қозонхонасида 100 гигакалорийли янги иссиқлик қувватлари, 2,5 километр узунликдаги магистрал иссиқлик шохобчалари ишга туширилиши таъминланади. Талимаржон ГРЭСи ва Тахиатош ГРЭСнинг бешинчи навбати қурилишида йиллик план шу муддат ичида бажарилади.

Қурилиш-монтаж ишларининг 60 проценти бригада пудрати методи билан бажарилади, меҳнат унумдорлиги пландан ташқари 1 процент оширилиб, қурилиш-монтаж ишлари таннархи 0,5 процент арзонлаштирилади. Қуриб битказилмаган корхоналар ҳажми ўтган йилги даражага нисбатан 10 процент камайтирилади.

70 тонна металл прокати, 700 тонна цемент, 50 кубометр ёғоч-тахта, 1 миллион 100 минг киловатт-соат электр энергияси, 534 гигакалорий иссиқлик энергияси, 100 тонна бензин, 80 тонна дизель ёнилғиси тежаб қолинади. Шу йил тежалган ресурслар билан икки кун ишлаб берилади.

Янги техникага онд тадбирларни ва рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 600 минг сўмлик йиллик иқтисодий самара олинади.

Ҳар бир ишловчи ҳисобига 15 килограмм миқдорда гўшт етиштирилиши таъминланади, болалар боғчалари, ясли-лар ҳамда пионер лагерлари сабзавот, мева ва сут маҳсулотлари билан тўлатўкис таъминланади.

Уй-жойларнинг «яхши» ва «аъло» баҳолар билан бир маромда фойдаланишга топширилишига эришилади ҳамда Нуробод посёлкасида 32 квартирали турар жой биноси Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигигача муддатидан илгари фойдаланишга топширилади.

1250 нафар янги ишчи тайёрланади, 1350 ишчи билан 150 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади. Трест ходимларидан камида 1500 киши дам олиш уйларида, пансионатларда, дам олиш базалари ва зоналарида, камида 2 минг бола пионер лагерларида соғломлаштирилади.

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОСЕТЬСТРОЙ» ТРЕСТИ

280 километр узунликдаги 500 киловольт кучланишли Қоракўл — Ғузор электр линияси 22 декабрда, Қизилқум массивида 72,1 километр узунликда 35 киловольтли электр линияси 20 июнда, 167,3 километр узунликда 220 киловольт кучланишли электр линияси 22 декабрда муддатидан илгари фойдаланишга топширилади.

Барча объектлар «яхши» ва «аъло» баҳоларда фойдаланишга топширилади. Қурилиш-монтаж ишларининг камида 75 проценти бригада пудрати асосида бажарилади.

Битказилмаган корхоналар планга нисбатан 10 процент камайтирилади.

100 тонна металл прокат, 35 тонна металл конструкция, 20 тонна цемент, 10 кубометр ёғоч-тахта, 100 тонна бензин, 80 тонна дизель ёнилғиси, 20 минг киловатт-соат электр энергияси тежалади, тежалган материаллар ҳисобидан икки кун ишлаб берилади.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 1 процент ошириб бажарилади ва қурилиш-монтаж ишларининг таннархи 0,5 процент арзонлаштирилади. Қурилишда 30 минг сўм, саноатда 10 минг сўм пландан ташқари фойда олинади. Рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 200 минг сўм иқтисодий самара олинади.

195 нафар янги ишчи тайёрланади, 265 ишчининг ҳамда 70 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади, 200 инженер-техник ходим ва хизматчи, 450 ишчи иқтисодий ўқишга тортилади.

«ТАШМЕТРОСТРОЙ» ТРЕСТИ

Йиллик қурилиш-монтаж ишлари плани 27 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 200 минг сўмлик иш бажарилади, беш йиллик план Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллигига бажарилди, Тошкент метрополитени иккинчи линиясини қуриш ишлари давом эттирилади.

Пландан ташқари меҳнат унумдорлиги 1 процент ўсишига эришилади, қурилиш-монтаж ишлари таннархи белгиланганидан 0,5 процент арзонлаштирилади.

Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этишдан 635 минг сўмлик шартли йиллик фойда олинади.

50 тонна бензин, 50 тонна дизель ёнилғиси, 200 минг киловатт-соат электр энергияси, 110 тонна металл, 620 тонна цемент, 410 кубометр ёғоч-тахта тежалади, тежалган материаллар ҳисобидан икки кун ишлаб берилади.

Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 80 проценти участка пудрати методи билан бажарилади.

Бўстонлиқ районида пионерлар лагери ва дам олиш зонаси қуриб битказилади, 400 ишчи янги касбларга ва иккинчи касбларга ўргатилади, 300 кишининг малакаси оширилади.

«СРЕДАЗТРАНССТРОЙ» ТРЕСТИ

Йиллик пудрат ишлари плани 30 декабрда бажарилади.

Фойдали саҳни 6029 квадрат метрли уй-жойлар, Тинчликда 624 ўринли мактаб 25 августда фойдаланишга топширилиши таъминланади, IV кварталда Салор-Шумилов перегонининг 3,4 километр узунликдаги асосий йўллари кўчириб ўтказилади. Объектларнинг камида 90 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилиши таъминланади.

Кичик механизация воситаларини кенг кўламда жорий этиш ҳисобига қурилишда меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 1 процент ошириб бажарилади, қурилиш-монтаж ишларининг таннархи планга нисбатан 0,5 процент арзонлаштирилади.

Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг камида 70 проценти бригада пудрати методи билан бажарилади. Рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 160 минг сўм миқдорида шартли йиллик фойда олинади.

1350 тонна цемент, 131 тонна металл, 680 кубометр ёғоч-тахта, 80 тонна шартли ёқилғи, 50 минг киловатт-соат электр энергияси, 10 тонна бензин, 15 тонна дизель ёнилғиси тежалади.

100 ишчи янги бинокорлик касбларига ўргатилади, 420 қурувчининг малакаси оширилади. 1580 киши техник ва иқтисодий таълимга жалб этилади. Пансионатлар ва профилакторийларда 370 киши ва пионер лагерларида 350 бола соғломлаштирилади.

«САМАРКАНДТРАНССТРОЙ» ТРЕСТИ

Қурилиш-монтаж ишлари плани 28 декабрда бажарилади:

Объектларнинг 70 проценти «яхши» ва 30 проценти «аъло» баҳоларда топширилиши таъминланади. Ўз кучлари билан бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг камида 40 проценти бригада пудрати методи билан амалга оширилади.

Планга нисбатан меҳнат унумдорлиги 1 процент оширилади, қурилиш-монтаж ишлари таннархи 0,5 процент арзонлаштирилади. 78 рационализаторлик таклифи жорий этилади ва улардан фойдаланиш натижасида 270 минг сўм маблағ тежалади.

50 тонна металл прокати, 150 кубометр ёғоч-тахта, 210 тонна цемент, 50 тонна ёқилғи, 650 минг киловатт-соат электр энергияси тежалади ва шунинг ҳисобига икки кун тежалган материаллар билан ишлаб берилади. Ёрдамчи хўжаликдан 2 тонна гўшт олиниб, реализация қилинади.

Қурилиш касблари бўйича 460 ишчи тайёрланиб, малакаси оширилади, 50 киши турдош касбларга ўргатилади, 170 кишининг малакаси оширилади, 2000 киши иқтисодий таълимга жалб этилади. 600 бола пионер лагерида соғломлаштирилади.

7-КЎПРИК ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ

Қурилиш-монтаж ишлари плани 30 декабрда бажарилади. Навоий—Фурқат кўчалари кесишган жойдаги транспорт туннели Конституция кунида йўл ва асфальт ётқизишга, мотор заводидаги кўтарма йўл Қурувчилар кунида, Туямўйин гидроузели районидаги темир йўл кўприги 7 ноябрда, Норин дарёси орқали (технологик) кўприк IV кварталда топширилади.

Қурилиш-монтаж ишлари сифати оширилади, объектларнинг камида 30 проценти «аъло» ва 70 проценти «яхши» баҳоларда фойдаланишга топширилади.

Меҳнат унумдорлиги белгиланган топшириққа нисбатан 1 процент ўсиши таъминланади, қурилиш-монтаж ишлари таннархи 0,5 процент арзонлаштирилади ва пландан ташқари 100 минг сўм фойда олинади, битказилмаган қурилишлар 1984 йил даражасига нисбатан 2 процент камайтирилади.

Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этишдан 750 минг сўм шартли йиллик фойда олишга эришилади.

Қурилиш-монтаж ишлари жами ҳажмининг 60 проценти бригада пудрати методи билан, шундан 20 проценти узлуксиз поток пудрати методи билан бажарилади. Қўл меҳнатини ишлатиш 1984 йилга нисбатан 2 процент камайтирилади.

200 тонна металл прокати, 600 кубометр ёғоч-тахта, 370 минг киловатт-соат электр энергияси, 570 тонна цемент тежалади. Йил мобайнида икки кун тежалган ресурслар ҳисобидан ишлаб берилади.

161 ходимнинг малакаси оширилади, 200 ишчи янги касб-корларга ўргатилади.

«ТАШКЕНТДОРСТРОЙ» ТРЕСТИ

Пландан ташқари 30 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

Қурилиш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш, илғор тажрибаларни, рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этиш, машиналар ва механизмлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига умуман трест бўйича меҳнат унумдорлиги белгиланган пландан ташқари 1 процент оширилади, таннарх 0,5 процент арзонлаштирилади, автомобиль йўлларини қуришда комплекс механизация даражаси 99,8 процентгача етказилади.

Қурилиш-монтаж ишларининг камида 60 проценти бригада пудрати методи билан бажарилади.

11 тонна металл, 1073 тонна цемент, 64 кубометр ёғоч-тахта, 65 тонна ёқилғи, 75 минг киловатт-соат электр энергияси, 95 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари тежалади.

Кадрлар тайёрлаш яхшиланади, 230 ходимнинг малакаси оширилади.

Иқтисодий самараси 20 минг сўмлик камида 5 та рационализаторлик таклифи жорий этилади.

«СРЕДАЗСТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИ

Ўн биринчи беш йиллик қурилиш-монтаж ишлари плани 7 декабрда, йиллик план эса 30 декабрда бажарилади, пландан ташқари 200 минг сўмлик товар қурилиш маҳсулоти реализация қилинади.

Объектлар ва конструктив элементларни топшириш топшириқлари муддатидан илгари бажарилиши таъминланади, Шумилов станциясини ҳамда Муборак газни қайта ишлаш заводи шох йўлларини ривожлантириш жами ишлари В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига бажарилди, Ариқ-Ўзбекистон станциялари участкасини электрлаштириш ишларининг ҳаммаси 7 ноябрга бажарилиб бўлади.

Барча объектларда темирйўл ётқизиладиган полотно «яхши» ва «аъло» баҳоларда топширилиши таъминланади.

Қурилиш ишлари йиллик ҳажмининг камида 80 проценти бригада пудрати методи билан, шу жумладан узлуксиз поток бригада пудрати методи билан 64 проценти бажарилади.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 1 процент ошириб бажарилади ва қурилиш ишлари таннархи 0,5 процент арзонлаштирилади.

Қурилиш методларини такомиллаштириб бориб, пландан ташқари 300 минг сўм миқдорида фойда олинади, 240 тонна дизель ёнилғи, 100 тонна бензин, 100 минг киловатт-соат электр энергияси, 70 тонна металл прокат, 200 тонна цемент, 100 кубометр ёғоч-тахта тежалади, тежалган ресурслар ҳисобидан икки кун ишлаб берилади.

Рационализаторлик таклифларини ва янги техникага доир тадбирларни жорий этишдан 175 минг сўм иқтисодий самара олинади. Техника мактабларида 60 ишчи янги касбларга ўргатилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулот реализация қилиш плани 30 декабрда бажарилади, пландан ташқари 1 миллион сўмлик бинокорлик материаллари реализация қилинади, шу жумладан ҳамма турларда 25 минг квадрат метр керамик плиталар, 500 тонна қурилиш гипси, 2 минг кубометр минерал пахта ва ундан ишланган маҳсулотлар, 1 минг дона сантехкерамика, 200 минг сўмлик халқ истеъмол моллари реализация қилинади, 1984 йилга нисбатан цемент ишлаб чиқариш 1,2 процент, шифер ишлаб чиқариш 4,6 процент ва қурилиш оҳаги пишириш 6,9 процент кўпайтирилади.

Умуман министрлик бўйича меҳнат унумдорлиги белгиланган топшириқдан ташқари 1 процент оширилади, шунинг ҳисобига қўшимча 4,4 миллион сўмлик товар маҳсулоти олинади, товар маҳсулот таннархи белгиланган планга нисбатан 0,5 процент арзонлаштирилади, олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг салмоғи 0,3 процент оширилади.

Жами саҳни 17,4 минг квадрат метрга борадиган уй-жойлар ҳамда 140 ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Янги техника ва илғор технологияни жорий этиш планига мувофиқ тадбирлар комплекси бажарилади, шу жумладан Попдаги «Узбеккровля» комбинатида эластик қоплама қатлами бўлган рубероид ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, ундан 5 минг квадрат метр тайёрланади ҳамда Оҳангарон «Сантехлит» заводида қувурларни манжетсиз қуйиш технологияси ўзлаштирилиб, ундан 1000 тонна тайёрлаб чиқарилади.

4 миллион киловатт-соат электр энергияси, 2500 гигакалорий иссиқлик энергияси, 200 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари, 8700 тонна цемент, 344 тонна металл прокати, 3660 кубометр ёғоч-тахта тежалади.

Министрлик корхоналарининг 35 проценти тежалган материал, хом ашё ва ёқилғи ҳисобидан икки кун ишлаб беради.

4100 янги ишчи касбларга ўргатилади, 4850 ишчи ҳамда 900 инженер-техник ходим ва хизматчиларнинг малакаси оширилади. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, иш вақти бекор кетишини қисқартириш ҳамда муқим коллективлар яратиш ишлари кучайтирилади. Ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш иши давом эттирилади.

«УЗГЛАВСТРОЙДРЕВПРОМ»

Маҳсулот реализация қилиш ҳажми юзасидан белгиланган план 1985 йилнинг 29 декабрида бажарилди. 1 сўмлик товар маҳсулот тайёрлашга кетадиган моддий харажатлар даражаси белгиланган топшириқдан ташқари 0,5 процент камайиши таъминланади.

Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, иш вақти бекор кетишини камайтириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш бригада формасини янада ривожлантириш асосида меҳнат унумдорлиги белгиланган топшириқдан ташқари 1 процент кўпайтирилади, ёғочсозлик чиқитларини қайта ишлаш ҳисобидан 180 минг сўмлик маданий-маиший ва уй-рўзғор моллари тайёрлаб чиқарилади, иш ҳақи фондининг 1 сўми ҳисобидан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1984 йилга нисбатан 3,6 процент кўпайиши таъминланади.

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш жами ҳажмида давлат Сифат белгиси қўйиладиган маҳсулот ишлаб чиқариш 12 процентга етказилади. Ёғочсозлик чиқитларидан қиринди плиталар ишлаб чиқариш ҳисобига ўрта ҳисобда 58 минг кубометр ёғоч-тахта шартли тежалишига эришилади. Ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобига 400 минг киловатт-соат электр энергияси ва 3 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 5 тонна бензин, 1 тонна дизель ёнилғи тежалади, тежалган хом ашё ва ёқилғи ҳисобидан 2 кун ишлаб берилади.

Дурадгорлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жами ҳажмида заводда тайёр ҳолга келтириш даражаси оширилган дурадгорлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 25,5 процентга етказилади.

Рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобидан 115 минг сўмлик иқтисодий самара олинади.

416 киши ҳамма хил ўқишларга жалб этилади, шу жумладан 275 кишининг малакаси оширилади, 141 малакали ишчи тайёрланади. Ишчиларнинг санитария-маиший ва уй-жой шароитларини яхшилаш ишлари давом эттирилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ

Аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ва реализация қилиш йиллик плани 26 декабрда бажарилиши таъминланади ва йил охиригача пландан ташқари 4,5 миллион сўмлик шундай ишлар бажарилади.

Пландан ташқари камида 1 миллион сўмлик ремонт-қурилиш ишлари бажарилади. Уйларнинг капитал ва жорий ремонти 20 декабрда битказилади, шу ишларнинг 83 проценти «яхши» ва «аъло» баҳоларда топширилади.

75 километр водопровод тармоқлари, соатига 51 гигакалорий қувватли иситиш қозонхоналари фойдаланишга топширилади. 32 насос станцияси автоматлаштирилади ва телемеханизация қилинади.

Саноат корхоналари ва лойиҳа-қидирув ишлари бўйича меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 1 процент ошириб бажарилади. Министрлик қураётган объектларда битказилмаган ишлар ҳажми 500 минг сўм кам бўлишига эришилади.

Пландан ташқари 400 минг сўм фойда олинади, саноат маҳсулоти таннархи ва коммунал хизматларни арзонлаштириш топшириғи 0,5 процент ошириб бажарилади.

Саноат, водопровод, канализация корхоналари ҳамда иссиқлик хўжаликларида, шунингдек уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотларида тежалган ресурслар ҳисобидан икки кун ишлаб берилади.

Пландан ташқари 60 минг сўмлик халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш таъминланади.

5800 ишчи ҳамда 1000 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади. Йиллик иқтисодий самараси 660 минг сўмга борадиган 450 рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларида 30 тонна гўшт, 10 тонна сут, 35 минг дона тухум етиштирилади ва қорамол 330 бошга, чўчқа 570 тага, қўй ва эчкилар 260 бошга, қуён 300 тага ва парранда 2400 тага етказилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ

Илмий-тадқиқот ишлари ва лойиҳа маҳсулотлари тайёрлаб бериш плани муддатидан илгари 1985 йилнинг 27 декабрида бажарилди, 1986 йилнинг қурилиш ишлари учун жамики лойиҳа-смета ҳужжатлари 1985 йилнинг 28 июнида топширилиши таъминланади.

Қора металл прокати лойиҳаларида 1,6 процент, цемент пишириш лойиҳаларида 1,2 процент, ёғоч-тахта тайёрлаш лойиҳаларида 1,4 процент, ёқилғи-энергетика ресурсларида 1 процент тежамкорлик ҳамда қурилиш ишларининг смета нархи 3 процент арзонлашиши таъминланади.

Лойиҳа ишларида электрон ҳисоб машиналари, лойиҳа ишларини автоматлаш системалари кенгроқ жорий этилади, бу ишларни автоматлаш даражаси 15 процентга қадар кўпайтирилади.

Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва умумий таълим мактабларининг лойиҳалари умумий таълим мактабини ислоҳ қилиш талабларига мувофиқ ишлаб чиқилиши таъминланади.

Ниҳоясига етказилган илмий-тадқиқот ишларини қурилишга жорий этиш муддатлари тезлатилади. Ишлаб чиқаришга илмий ечимларни жорий этиш 80 процентга етказилади. Типовой лойиҳаларни ишлаб чиқиш сифати оширилади.

Лойиҳалаш технологиясини такомиллаштириш ҳисобига лойиҳачиларнинг меҳнат унумдорлиги 1 процент оширилади, лойиҳа-қидирув ишларининг таннархи бултурги даражага нисбатан 0,5 процент арзонлаштирилади.

Қурилиш ишларида ҳўл жараёнлар камайиши ҳамда қўл меҳнати сарфи қисқаришини таъминловчи енгил металл конструкциялар ҳамда заводда тайёр ҳолга келтириладиган юксак тежамли конструкциялардан лойиҳаларда фойдаланиш муттасил кенгайтириб борилади.

Ўзбекистон бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустриясининг, лойиҳа ташкилотларининг бинокорлари, монтажчилари, ходимлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг талаблари асосида кучғайратимизни план ва ушбу социалистик мажбуриятларни бажаришга маҳорат ва матонат билан сарфлаймиз, қурилишларда интизом ва тартибни мустаҳкамлаймиз, жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездини муносиб кутиб оламиз, деб ваъда берадилар.

Социалистик мажбуриятларни қурувчилар, монтажчилар, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотларининг, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг коллективлари муҳокамадан ўтказиб, қабул қилганлар.

СОВЕТ–КУБА МУЗОКАРАЛАРИ

5 февраль куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келган Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба Республикаси ташқи ишлар министри И. Мальмиерка ўртасида музокаралар бўлди.

Икки томонлама муносабат масалалари, шунингдек иккала томонни қизиқтирувчи бир қанча актуал халқаро проблемалар самимият ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида муҳокама қилинди.

Барча соҳалардаги Совет—Куба ҳамкорлиги марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари асосида муттасил муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги мамнуният билан қайд этилди шу муносабат билан К. У. Черненко ва Ф. Кастронинг 1984 йил февраль ойида бўлиб ўтган учрашуви аҳамияти алоҳида таъкидланди. СССР билан Куба Республикаси ўртасидаги дипломатия муносабатлари тикланганлигининг яқинда нишонланадиган 25 йиллиги шонли сана бўлиб қолади. Шу даврда иккала мамлакат ўртасида янги типдаги муносабатлар қарор топди, бу муносабатлар чинакам тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, қардошларча бирдамлик билан характерланади.

Совет томони Америка империализмининг тазйиқ ва ўқ-пўписа сиёсатига қатъият билан мардона қарши турган Кубани муттасил қўллаб-қувватлашини яна маълум қилди.

Муҳокама қилинган ҳамма масалалар юзасидан фикрларнинг бирлиги тасдиқланди. Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатларнинг тинчликни мустаҳкамлашни, қуролланиш пойгасини, аввало ядровий қуролланиш пойгасини жиловлашни, ер курраси нинг турли районларида кескинликни юмшатишни қўзловчи салмоқли таклифлари аҳамияти тобора ортиб бораётганлигини томонлар таъкидлаб ўтишди.

* * *

Куннинг иккинчи ярмида музокаралар давом эттирилди.

И. Мальмиерка Женевада космик ва ядровий қуроллар масаласи юзасидан Совет — Америка музокаралари ўтказиш тўғрисида СССРнинг ташаббуси билан эришилган аҳдномани Куба раҳбарлари номидан табриклади. Иккала томон маэкур аҳдноманинг ҳамма қисмларига, тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига қатъий риоя этилган тақдирда бу музокаралар космоса қуролланиш пойгасининг олдини олиш ва ердаги мана шундай пойгани тўхтатиш масалаларини жиддий равишда кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун имконият очади, деган фикрни билдирди.

Томонлар Марказий Америкадаги, аввало Никарагуа теварагидаги хатарли аҳвол хусусида қаттиқ ташвишланаётганликларини билдирдилар ва АҚШнинг шу суверен давлатга нисбатан ўтказаётган жинояткорона интервенциячилик сиёсатини кескин қораладилар. СССР билан Куба ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Никарагуа халқи билан бирдамдирлар ва Марказий Америкадаги аҳвол одилона сиёсий воситалар билан ҳал этилишини талаб қиладилар, давлатларнинг шу мақсадга хизмат қиладиган амалий куч-ғайратларини қўллаб-қувватлайдилар.

Иккала томон тинчлик ва халқаро хавфсизлик ишини изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслигини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга аҳд қилганлигини билдирди.

Совет Иттифоқининг ҳал қилувчи ҳиссаси билан тормор этилган фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг сўнмас аҳамияти таъкидланди. Шу жаҳоншумул тарихий воқеанинг 40 йиллиги барча халқлар ва ҳукуматларнинг ялпи тинчликни сақлаш, ядро уруши хавфини тугатиш мақсадларини кўзлайдиган ғайрат-ҳаракатларини кучайтириш билан нишонланмоғи керак.

Шу куни А. А. Громико И. Мальмиерка шарафига нонушта зиёфат берди, зиёфат вақтида дўстона қадаҳлар кўтарилди.

Дўстона, ўртоқларча вазиятда ўтган нонушта зиёфатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников, бошқа расмий кишилар, шунингдек И. Мальмиеркага ҳамроҳ бўлиб келган кишилар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXV СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

ПАРИЖ, 6 февраль. ТАСС мухбири Ю. Лопатин хабар қилади: бугун Париж яқинидаги ишчилар яшайдиган Сент-Уэн спорт саройида Франция Коммунистик партиясининг навбатдаги, XXV съезди очилди. Саройнинг катта зали лиқ тўла, мамлакатнинг ҳамма томонларидан меҳнаткашларнинг жанговар авангарди анжуманига олти юз минг кишидан кўп француз коммунистлари отрядининг делегатлари келишди. Кўпгина қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг, тараққийпарвар ва миллий озодлик ҳаракатларининг вакиллари ҳам ҳозир бўлишди. Съездда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг Раиси М. С. Соломенцев бошчилигидаги КПСС делегацияси қатнашмоқда.

Сиёсий доиралар, матбуот, радио, телевидение Франция Компартиясининг съездига зўр эътибор бериб, уни мамлакат турмушидаги жуда муҳим воқеа деб баҳоламоқда. Съезд қатнашчилари Франциядаги ва жаҳон майдонидаги ҳозирги аҳволни, ФКПнинг фаолиятини ва кейинги даврда партия орттирган тажрибани таҳлил этишлари, коммунистларнинг ҳозирги босқичда меҳнаткашлар манфаатлари учун кураши вазифаларини белгилаб беришлари лозим.

Съезднинг иши беш кун давом этади. Унда партиянинг раҳбар органлари ҳам сайланади.

Кейинги ойларда Коммунистик партиянинг барча ташкилотларида ўтказилган кенг миқёсдаги съездолди мунозарасини Франциянинг демократик жамоатчилиги ғоят қизиқиб кузатиб турди. Мунозара давомида коммунистлар ФКП Марказий Комитети таклиф этган съезд резолюцияси лойиҳасини атрофлича ва чуқур муҳокама қилдилар.

Партиянинг уч йил муқаддам бўлиб ўтган аввалги съезди даврига нисбатан мамлакатда янги вазият вужудга келганлиги ҳужжатда таъкидлаб ўтилади. Ҳокимият тепасида турган социалистик партия 1981 йилги сайлов арафасида сўл кучлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни эсдан чиқариб юборди. Коммунистлар бундан тегишли хулоса чиқариб, 1984 йилнинг ёзида бундан буён ҳукуматда қатнашмасликка қарор қилдилар. Кейинги ойларда йирик капитал билан ўнг кучларнинг тазйиқи, шунингдек Франциядан қуролланиш пойгасида янада активроқ қатнашишни талаб қилаётган Америка империализмининг зуғуми кескин кучайди.

«Юманите» газетаси съездолди мунозарасини якунлаб, жуда кўпчилик коммунистлар капиталга ва реакцияга қарши, партия сафлари ва унинг оммавий базаси жипслигини мустаҳкамлаш учун, қуролсизланиш ва тинчлик учун курашни кучайтириш кераклигини айтдилар, деб таъкидлайди. Мамлакатда социализм сари силжиш йўлида халқ кўпчилигининг янги бирлашмасини вужудга келтириш тўғрисида Франция Компартияси Марказий Комитети таклиф этган йўл қўллаб-қувватланди.

Съездда партиянинг фаолияти ва вазифалари тўғрисида бугун Франция Компартиясининг Бош секретари Ж. Марше ФКП Марказий Комитети номидан доклад қилди.

ЖЕНЕВА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛДИ

ЖЕНЕВА, 6 февраль. ТАСС мухбири Е. Коржев хабар қилади: қуролсизланишга бағишланган Женева конференциясининг кеча очилган навбатдаги сессиясида ядро урушининг олдини олиш, ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш билан боғлиқ бўлган масалалар комплекси кўриб чиқилади.

Биринчи мажлисда сўзга чиққан совет делегациясининг бошлиғи В. И. Исраэлян қуйидагиларни таъкидлади: Совет Иттифоқи янги урушнинг олдини олишга ва тинчлик негизларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳамма куч-ғайратларни қўллаб-қувватлаб келди ва қўллаб-қувватлайверади.

Совет делегациясининг бошлиғи ўз нутқининг охирида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг «Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасини тўхтатишга, ядро қуролини тақиқлашга ва пировард натижада уни тўла-тўкис тугатишга олиб борадиган йўлдан олга силжиш имконини берадиган энг қатъий қарорлар қабул қилишга тайёр» деган сўзларини эслатиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари қандай бажарилмоқда?

ДЕПСИНИШ

ёки Учқўрғон районида чорвачиликни ривожлантириш планлари қандай барбод қилинаётгани хусусида

Наманган областининг Учқўрғон районида кейинги йилларда чорвачиликка раҳбарлик соҳасида жиддий хато ва камчиликлар содир бўлди. Бунинг оқибатида район хўжаликларининг экономикаси ўтириб қолди, чорвачилик фойда ўрнига знён келтира бошлади. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси район партия комитетининг чорвачиликка раҳбарлик соҳасидаги ишларини кўриб чиқиб, унинг иш услубидаги жиддий хато ва камчиликларга ғоят принципиал баҳо берди, районда чорвачиликнинг аҳволи ўта қониқарсизлиги, бошланғич партия ташкилотлари ферма ходимларини план ва мажбуриятларни бажаришга сафарбар этиш бўйича ёмон ишлаётганлигини кўрсатди.

Хўш, бу тасодифми? Чорвачиликка раҳбарлик қилиш борасида йўл қўйилган камчиликларнинг илдизлари нимада?

«Партия комитетлари, — деб ёзади ўртоқ К. У. Черненко «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» асарида, — ўз иш услубларини қунт билан такомиллаштира бориб, давлат ва хўжалик органларининг иш услубига ҳам фаол таъсир кўрсатишлари лозим. Энг аввало, ўз ишини намунали тарзда йўлга қўйиш, талабчанликни ошириш билан таъсир кўрсатиш зарур». Ишда, айниқса, партиявий ишда талабчанликни кун сайин оширмай, ҳар бир ходимда ўз вазифасини бажаришга ижодий ёндашув туйғусини тарбияламай туриб, бунга эришиш мумкин эмас. Учқўрғонда шундай бўлди. Район партия комитети бошланғич партия ташкилотларини коммунистлар, барча чорвадорлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришга, уларни чорва маҳсулотлари етиштириш учун курашга тўла сафарбар этишга йўналтира олмади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларини чуқур мулоҳаза қилиб чиқиш, ўз ишига партиявий позицияларда туриб ошкора, холис баҳо бериш, нуқсонларни батамом тугатиб, ҳар бир фермада пухта тартиб-интизом ўрнатиш учун бу ерда куч ҳам, вақт ҳам топиша олмади.

Район партия комитети ҳануз эскича услубда иш юритмоқда. КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида қўйилган вазифалар асосида ўз ишининг усул ва услубларини такомиллаштириш, партия қуйи бўғини жанговарлигини ошириш масалалари билан ижчил шуғулланмаётир. Кўп ҳолларда хўжалик органларининг вазифаларини ўз зиммасига олиш, айни шу кунги, жорий юмушлар билан ўралашиб қолиб, истиқбол вазифаларини кўра билмаслик фактлари рўй берди. Бошланғич ташкилотлар XVI пленум талаблари асосида коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, бутун кучни ишдаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга йўналтириш борасида жиддий иш олиб бормаётирлар.

Жамоат чорвачилигини жадал ривожлантириш, гўшт, сут, тухум, бошқа маҳсулотларни тайёрлашда рўй бериб келган кўзбўямачилик ва ошириб ёзиш фактларига, тармоқдаги бошқа салбий ҳолатларга қатъият билан барҳам бериш лозимлиги ҳақидаги кўрсатмалар қониқарсиз бажарилмоқда. Район партия комитети, унинг бюроси пленум руҳини, унинг қарорларини бевосита ижрочиларга етказиш масаласи билан ижчил шуғулланмаётир. Беғамлик, эътиборсизлик шу даражага бориб етдики, пленум қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамма бошланғич партия ташкилотларида ҳам тўла муҳокама қилиб чиқилмади.

Меҳнат коллективларида, хўжалик механизмининг барча бўғинларида ишчанлик, ташаббускорлик, ижодий ёндашув муҳитини яратиш ўрнига ҳануз эски усулда — кампаниячилик, юзакичилик, дўқ-пўписа, қуруқ маъмуриятчилик билан иш юритилмоқда. Биргина мисол: райком, унинг бюроси раҳбарларни фермаларга биркитиб қўйиш сингари қайта-қайта қораланган услубдан ҳали ҳам воз кечгани йўқ. Чунончи, бюро аъзолари—райком секретарлари, район ижроия комитети раҳбарлари хўжаликларга биркитилган. Ҳар бир фермадаги ишнинг аҳволини чуқур, ҳар томонлама таҳлил қилиш ўрнига кампаниячиликка ружу қилинди, чорвадорлар эҳтиёжи ва ташвишларига сезгирлик билан ёндашилмади. Чорвачиликни ривожлантириш резервларини ҳаракатга келтириш учун амалий, конкрет чоралар кўрилмади. Натижада райком вакиллари фермаларда тез-тез бўлиб туришлари, елиб-югуришлар, маҳсулотни кўпайтиришга даъват этишларнинг самараси бўлмаётир. РАПО кенгашининг раиси У. Каримжонов вакил бўлган Ленин номли колхоз фермасида шу қишловнинг ўзида сут миқдори ўтган йилдагидан 86 тонна камайиб кетганлигини айтиш кифоя.

Ошириб ёзишлар, кўзбўямачиликнинг бошқа кўринишлари давом эттириб келинди. «Ленинград» колхозини олайлик. Бу ердаги кўзбўямачиликлар кишини лол қолдиради. Айтайлик, бузоққа бир кеча-кундузда 5—6 килограмм сут ичирилади. Лекин ҳужжатларда уларга 12 килограмм, гоҳи кунлари бундан ҳам кўпроқ сут ичирилгани қайд этилади. Бунинг оқибатида моллар ўсишдан қолмоқда, нимжон, касалманд бузоқларнинг сигирлар подасига қўшилиш муддати 2,5—3 баробар кечикиб кетяпти. Ёлғиз шу хўжаликдагина эмас, Охунбобоев номли, «Янгиобод» колхозларида ҳам бузоқларнинг кунлик семириши аранг 130-160 граммга тўғри келади. «Партия XXIV съезди» колхозида 168 бузоқнинг фақат чорак қисми сигирлар подасига ўтказилди. Нимжон ўсган қорамолларнинг маҳсулдорлиги паст, уларнинг аксарияти йиллаб қисир қолаётир. Натижада насл олиш камайиб кетяпти. Чунончи, «Ленинчи» колхози, Ленин номли, «Учқўрғон» совхозларида бу борада, айниқса катта оқсаш юз берди.

Бироқ сунъий йириклаштирилган рақамлар завқини бир тасаввур этиб кўринг-а! «Бузоқларга ичирилди» — шундай деб расмийлаштирилган, лекин аслида йўқ 224 тонна сут соғин сигирларга тақсимлаб чиқилса, тузуккина, минбарларда қизармай тилга олиш мумкин бўлган рақам юзага келади. Ҳеч ким сут камайиб кетаётганини писанда ҳам қилолмайди.

Районда сут соғимини фақат шу йўл билан оширишмасди. У ерда яна бошқа «имкониятлар»ни ҳам излашарди. Топишарди ҳам. Чунончи, ўша «Ленинград»да январнинг бошларида ҳисобга олинмаган 52 бош соғин сигир борлиги аниқланди. Ёки мана бу фактга бир эътибор беринг: 1983 йили 1362 тонна сут ўрнига 52,4 тонна ёғ топширилди. Ўтган йилнинг биринчи ярмида ҳам шу осон йўлдан борилди.

Тўғри, райком, унинг бюроси учун чорвачилик ўгай соҳа эмас: тармоқ проблемалари тез-тез муҳокама қилиб турилади, тегишли қарорлар ҳам қабул қилинади. Лекин, ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаб ёзганидек, жуда қаттиқ ижро интизоми жорий этилмаса, қарорлар қандай бажарилаётгани ижчил, малакали контрол қилинмаса, ҳар қандай режалар ҳам эзгу истаклигича қолаверади. Учқўрғон райкомининг «тажрибаси» бунинг яққол мисоли бўла олади.

Бу ерда муҳокама қилинадиган масалалар бўйича фермалардаги аҳвол ҳар томонлама чуқур ўрганилмасди, белгиланган тадбирлар тегишли ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмасди, уларнинг бажарилиши идеологик жиҳатдан таъминланмасди. Натижада бу муҳокамалар, қабул қилинаётган қарорлар самарасиз қолаверарди.

Фақат бир мисол: декабрь ойида Ленин номли совхоз чорвачилик фермасидаги цех партия ташкилотининг фаолияти муҳокама қилинди. Бу нима берди? Қабул қилинган қарордан совхоз коммунистлари, раҳбарлари қандай хулоса чиқаришди? Бу муҳокама бошқа хўжаликларнинг фермаларидаги аҳволга қандай таъсир кўрсатди? Бир сўз билан айтганда, ишда жиддий ўзгариш содир бўлгани йўқ. Ленин номли колхоз партия ташкилоти, хўжалик раҳбарлари эса райкомнинг бу қароридан конкрет, амалий хулоса чиқаришмади. Натижада ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут ўтган йилнинг шу давридагидан 487 килограмм камайиб кетди. Колхоз раиси Собир Бозоров ҳам, партия ташкилотининг секретари Абдуллажон Саъдуллаев ҳам фермадаги аҳволни чинакамига тўғрилаб олиш учун жон қуйдиришмади. Райком бюроси эса қарор қабул қилиш билангина кифояланди. Унинг бажарилиши эса таъминланмади.

Шундай қилиб, райком ўзининг сиёсий орган эканлигини унутиб қўйгани, хўжалик ишлари билан ўралашиб қолгани, масъул раҳбарлар югурдакка айлантирилгани, мутахассислар роли писанд қилинмаслиги оқибатида ўтган йили гўшт етиштириш плани 94, сут —87 процент бажарилди. Ҳар юз гектар экин майдони ҳисобига қорамоллар сони кескин камайиб кетди. Бу, айниқса, «Ленинград» колхози ва «Учқўрғон» совхозида яққол сезилди. Бир қатор хўжаликларда чорва маҳсулдорлиги камайиб, кейинги икки йилда ҳар юз гектар экин майдони ҳисобига соғиб олинаётган сут 43 центнер пасайиб кетди. Қорамоллар подасида сигирлар салмоғи бор-йўғи 27 процентни ташкил этади. Колхоз ва совхозлар ўтган йили пландагидан 1389 тонна кам сут топширишди.

Бу нуқсонларнинг юзага келишига айрим мутахассислар ҳам айбдор, албатта. Бу жиҳатдан ҳам РАПО кенгашининг раиси У. Каримжоновнинг фаолияти «ибратли». Унга чорвачиликдаги аҳвол, айниқса аён эди: у тайёрланаётган ем-хашак ҳажмига қўшиб ёзишлардан ҳам, бузоқларга «сут ичириш» билан боғлиқ қаллобликлардан ҳам хабардор эди, албатта. Бироқ индамасди. Бу ножўя ишлар унга маълум эмасдек тутарди ўзини. Шундай қилмаса, район партия комитетининг биринчи секретари И. Қўлдошев билан ишлай олмаслигини биларди. Негаки, секретарнинг сиркаси сув кўтармасди, қўли остидагиларнинг фикр-мулоҳазалари билан асло ҳисоблашмасди.

Буни аввал бошдан У. Каримжонов яхши ўзлаштириб олган, шунинг учун бемалол юраверарди. Жойи билан фактларни тилга олар, қайд этар ва шу билан кифояланарди. Ортиғига унинг иродаси, принципиаллиги, боринги, партиявийлиги етишмасди. Бюронинг чорвачиликни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида бир йил бурун қабул қилинган қарорини назоратдан чиқариш чоғида ҳам шундай бўлди. У район партия комитетига белгиланган тадбирлар ҳали тўла бажарилмаганлигига доир маълумот ёзди, бюро мажлисида бўлса...шу қарор контролдан чиқарилиши учун овоз берди. Райком бюросининг бошқа аъзолари — хусусан, райкомнинг иккинчи секретари Н. Майоров, райком секретари Т. Пўлатова, район ижроия комитети раисининг ўринбосари Ҳ. Йўлдошева ўртоқларнинг позицияси ҳам шундай бўлиб келди. Ҳаммалари биринчи секретарнинг сўзларини маъқуллашарди, унинг фикрларига қўшилишарди, мулоҳазаларини қувватлашарди. Ўзларининг принципиал фикри, оқилона ҳисоб-китоби, амалий таклифлари эшитилмасди.

Шу ўринда район ижроия комитетининг раиси А. Тўйчиевнинг ўз бурчига муносабати хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Бюро мажлисларида чорвачиликдаги аҳвол ҳақида кўпинча унинг ахборотлари тингланарди. Чуқур таҳлил, принципиал танқид, илмий асосланган амалий таклифлар (бундай таклифларга у қодирдек эди, зеро, Тўйчиев чорвадор мутахассис, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати), уларни қандай рўёбга чиқариш омилларини баён этиш ўрнига, у статистика ҳисоботларидаги рақамларни санаб ўтиш билангина кифояланарди.

Буларнинг ҳаммаси ишда хотиржамлик кучайишига олиб келди. Ошириб ёзишлар, талон-торож авж олганлигининг сабабларидан бири ҳам мана шунда. Гўштга топширилган қорамолларнинг ўртача семизлиги 363-365 килограммни ташкил этарди, холос. Бўрдоқичилик ишини тўғри йўлга қўйиш ўрнига аҳолидан семиз молларни юқори баҳо билан сотиб олиб план тўлдиришга уринишарди. Фақат ўтган йили район хўжаликлари 1 миллион 734 минг сўмга қорамол сотиб олдилар. Бу хўжаликлар елкасига оғир юк бўлиб тушди, улар катта-катта зарар кўра бошлашди. Фақат «Андижон» колхози давлатга топширган 99 тонна гўштнинг 65 тоннасини аҳолидан сотиб олиб, 40 минг сўмдан ортиқроқ зарар кўрди. «Учқўрғон» совхозида қорамол сотиб олишга 300 минг сўм сарфланди. Бу қиғғир ишларнинг оқибатида хўжалик деярли 24 минг сўм знён кўрди. Сут соғимини «ошириш» хусусидаги найрангбозликларга юқорида тўхталиб ўтдик.

Жамоат чорвачилигининг озуқа базасини мустаҳкамлашга эътибор кам. Озуқа экинлари экиш планлари муттасил бажарилмаяпти. Ялпи экин майдонларида уларнинг салмоғи 14—15 процентдан ошмайди. «Андижон», Ленин номли, Охунбобоев номли, «Партия XXIV съезди» колхозларида бу кўрсаткич 10-11 процентни ташкил этади. Ҳосилдорлик паст, бу кўрсаткич гектар ҳисобига 66—75 центнер озуқа бирлигини ташкил этади. Ем-хашак жамғариш планлари бажарилмаяпти. Район хўжаликлари қишловга озуқа билан 80 процент таъминланган ҳолда кирганларининг айтиш кифоя. Ем-хашак оқилона сарфланмаётир, кўп ҳолларда хўжасизликка йўл қўйилмоқда.

Учқўрғон фермаларида техникани қадрлашмайди, деб айтиб бўлмайди. Қадрлашади, эҳтиёт қилиб сақлашади: кўпгина механизмлар йиллаб ишлатилмайди. Чунончи, текшириш куни фермалардаги 41 озуқа майдаловчи механизмнинг фақат 13 таси ишлаб турган эди. Зооветеринария хизмати, наслчилик иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Ҳа, Учқўрғонда чорвачиликка раҳбарлик соҳасида жиддий нуқсонларга йўл қўйиб келинди. Булар райком, бошланғич ташкилотлар чорва фермалари коллективларининг партия қатламини мустаҳкамлаш, коммунистларни етакчи участкаларга тўғри жойлаштириш, мутахассислар, ўрта бўғин кадрларида, барча чорвадорларда топширилган ишнинг пировард натижаси учун масъулиятни кучайтириш борасида кун сайин қизғин иш олиб бормаганликларининг, бутун кучни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашга сафарбар эта олмаганликларининг натижасидир. Тўғри, Учқўрғонда чорвачиликни юксалтириш борасида ҳеч қандай иш олиб борилмаяпти дейиш мумкин эмас. Бироқ ҳозиргача бўлган бутун ҳаракат бир жойда...жадал депсинишдан иборат бўлаётир.

Куни кеча район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг хулосалари ва кўрсатмалари маъқуллаб кутиб олинди. Хўжаликка раҳбарлик соҳасида йўл қўйилган хато ва камчиликлар қатъиян қораланди. Ўз вазифасини уддалай олмаганлиги учун И. Қўлдошев райкомнинг биринчи секретари лавозимидан, А. Тўйчиев райижроком раиси лавозимидан олиб ташланди.

А. НИЕЗОВ,
Ж. САЪДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги

ФЕРМАЛАР МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Республикамиз колхоз ва совхозлари, хўжаликлараро корхоналарнинг чорвачилик коллективлари беш йилликнинг якунловчи йилида чорва маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бўйича юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишган. Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун барча қишлоқ хўжалиги мавсуми давомида бир маромда ҳамда изчил иш юритиш кафолот бўлади. Хўжаликни моҳирона юритиш ва қишлов шароитида молларни парваришлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Бу йилги қишлов чорвадорлар учун осон ўтмаяпти. Аммо қишнинг қаҳри обҳаво қийинчиликларини рўкач қилмасдан, бутун маҳорат ва ишбилармонликни қурол қиладиган коллективларга асло таъсир этгани йўқ. Ҳар қандай шароитда ҳам жамоат чорвасини беталафот асрайдиган, ҳатто маҳсулдорликни ошириб бораётган кўплаб ферма ва комплексларни тилга олиш мумкин.

Бунга чорвадорларнинг унумли ишлашлари учун қулай шароит яратиш, сермеҳнат юмушларни механизация зиммасига юклаш, озуқа цехлари ва озуқа кухняларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, хилма-хил ва тўйимли рацион тузиш билан эришилади. Ленин районидаги «Правда Востока», Оқдарё районидаги «Коммунизм», Чортоқ районидаги Навоий номли колхозлар, Советобод районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози ана шундай хўжаликлар қаторида туради.

Аммо бу ҳақда сўз кетганда қолоқлар тўғрисида сўзлашга ҳам тўғри келади. Айниқса, сут ва тухум тайёрлаш бўйича йил бошида паст кўрсаткичларга эришилянти. Шуни тўғридан тўғри айтиш керакки, республикамиз чорвадорлари шу йилнинг январь ойи плантопшириқларини бажара олмадилар. Қашқадарё, Андижон, Сурхондарё, Самарқанд, Навоий, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССРда сут топшириш ўтган йилдаги даражадан 20-30 процент паст бўлмоқда. Январда ҳар бош сигирдан кунлик сут соғиб олиш 3—5 килограммга тушиб қолди.

Беруний, Андижон, Жиззах, Косон, Баҳористон, Чироқчи, Иштихон, Гагарин, Нукус, Тахтакўпир, Элликқалъа, Учқўрғон районлари хўжаликларида январь ойида биринчи кварталнинг 10—15 проценти миқдорида сут тайёрланди. Деҳқонобод райони (район партия комитети биринчи секретари Т. Холтўраев, район ижроия комитети раиси А. Тожиев) фермаларида эса атиги 26 тонна сут олинди, бу биринчи квартал план-топшириғига нисбатан 4 процентни ташкил этади.

Илғор районларда озуқа цехлари ва озуқа кухняларининг иши раҳбар ва мутахассисларнинг доимий назорати остидадир, аммо баъзи партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари бу муҳим иш участкасига етарли эътибор бермаяптилар. Жиззах, Қашқадарё, Хоразм областларида озуқа цехлари иши ёмон ташкил этилган, Тошкент, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССР чорвадорлари фаолиятида бир қатор нуқсонлар мавжуд.

Ҳолбуки, қишловнинг энг масъулиятли палласида, озуқа запаси тугай деб қолганда ем-хашакдан оқилона фойдаланиш жамоат чорвасининг тақдирини ҳал қилади.

Ҳозир ҳар бир килограмм озуқадан самарали фойдаланиш учун барча имкониятлар сафарбар этилгандагина қишловни соз ўтказиш ва якунлаш, моллар бош сонини сақлаб қолиш имкони бўлади. Бу тармоқнинг ҳар бир ходимидан, ҳар бир раҳбар ва мутахассиндан ташаббускорлик кўрсатиб ишлашни талаб этади. Шу йил 1 февралгача бўлган маълумотларга кўра, Жиззах области паррандачилик фермалари ва комплекслари тухум тайёрлаш суръатини пасайтириб юбордилар. Областда бу борадаги квартал топширигга 19 процент бажарилди. Шунингдек, Андижон (23 процент), Навоий (27 процент), Самарқанд (28 процент) областлари ва Қорақалпоғистон АССР (28 процент)да ҳам аҳвол талабга жавоб бермайди. Бу соҳада ҳам сабаб сутчиликда бўлгани каби паррандаларни етарли озиқлантирмаслик, зооветеринария хизмати паст даражада эканлигидадир. Аҳвол шуниси билан мураккабки, паррандачилик фермалари қишга яхши тайёрланмаган.

Хатирчи, Пайариқ, Шўрчи, Қўшкўпир, Янгибозор, Ёзёвон районлари паррандабоқарлари тухум тайёрлаш квартал топширигини 16—21 процент атрофида бажаришган. Тошкент областининг Пискент ва Бўка районларида бу кўрсаткич 7—10 процент бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1984 йил) Пленуми қарорларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада интенсивлаштириш, уни индустриал асосга ўтказиш таъкидланганди. Амалда паст натижаларга эришаётган коллективларга бу ҳақда алоҳида эслатмоқчимиз. Юқорида номлари тилга олинган хўжаликлар ва районларнинг раҳбарлари аҳолига қуруқ сўз эмас, балки фермада етиштирилган реал маҳсулот кераклигини наҳотки тушунмасалар?!

Ферма ва комплекс маҳсулдорлигини ошириш, уларнинг қолоқлигига барҳам бериш учун чорвачилик жабҳасининг барча бўғинлари ходимлари куч-ғайрат сарфлашлари лозим. Партия, совет, қишлоқ хўжалиги органлари, РАПО кенгашлари ташкилотчилик иши юксак талаблар даражасига кўтарилиши керак.

Ҳозир фермаларда қолоқликни бартараф этиш учун бутун куч ва имкониятларни ҳар қачонгидан кўпроқ йўналтириш, чорвадорларга қишлов ўтказилаётган жойда, олис яйловларда моллар туёқ сонини асраб қолишда ҳар томонлама ёрдам бериш зарур.

Жамоат чорвачилигини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, подаларни тўлдириш билан бирга экилган ва баҳорда экиладиган озуқа экинлари парваришига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Ҳозирги кунларданоқ беш йилликнинг якунловчи йилида давлат плани ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига пухта замин қўйилиши керак.

ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙ БЎЛСИН

Республикамизда кўкламги экин-тикин ишлари бошланишига оз фурсат қолди. Экиш мавсуми деҳқонлар учун мураккаб имтиҳон ҳисобланади. У қишлоқ меҳнаткашларидан катта куч-ғайрат, омилкорлик ва техника сирларини пухта эгаллашни талаб этади. Шу туфайли тракторлар, тупроққа ишлов берадиган агрегатлар ва бошқа экиш техникасини қисқа муддатларда сифатли ҳозирлашга алоҳида эътибор бериш керак. Токи барча техника экиш даврида юқори унум билан, тўхтовсиз ишласин.

Кўплаб хўжаликларда мавжуд техника аллақачон ремонтдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилган. Ҳар бир машина ва механизм устаҳонадан чиқиш олдидан махсус сифат комиссияси кўригидан синчиклаб ўтказилади.

Андижон, Тошкент Сурхондарё, Наманган, Навоий областларида тупроққа ишлов берувчи ва экиш агрегатлари мавсумга ҳозирлаб қўйилди. Ленин йўли, Наманган, Когон, Ромитан, Октябрь, Навоий, Ворошилов, Оқолтин, Оққўрғон, Бувайда, Гурлан, Шовот районларининг механизаторлари тупроққа ишлов берувчи машиналар ва экиш агрегатлари ремонтини тугаллидилар.

Оқолтин райони хўжаликларида ўн беш кунда 177 та чигит экиш сеялкаси тайёрланди. Бу кўрсаткич Фрунзе районида 115, Меҳнатобод районида 129, Беруний районида 113, Қизилтепа районида 85 тани ташкил этди. Шу билан бир қаторда Қорақалпоғистон автоном республикасида техника ремонтида қолоқликка йўл қўйилмоқда. Бу ерда биринчи февралга қадар барча турдаги тракторларнинг 75 проценти ремонт қилиниши керак эди. Амалда 68,4 процента ремонтдан чиқарилди. Бухоро областида тракторлар ремонти пландаги 90 процент ўрнига 88,8 процент, Самарқанд областида 92 процент ўрнига 89,9 процент бажарилди.

Қорақалпоғистон АССР ва Самарқанд областларида сеялкаларни тайёрлаш планлари адо этилмаяпти. Хоразм, Фарғона, Самарқанд, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон автоном республикасида ҳайдов тракторлари ва культиваторлар ремонтига етарли эътибор берилмаётганлиги туфайли бу борадаги топшириқ бажарилмади.

Қатор районларда техника ремонтида ночор аҳвол ҳукм сурмоқда. Бахмал районида 15 кунда атиги 15 та ҳайдов трактори ремонт қилинди. Бу кўрсаткич Зарбдор районида 29, Тахтакўпир районида 31 та бўлди. Қораўзак районида 15 кунда 19 та, Китоб районида 9 та, Жиззах районида 8 та сеялка ремонт қилинди.

Қорақалпоғистон АССР колхоз ва совхозларида ремонт ишларида 4,3 минг киши ўрнига 3,9 минг киши қатнашмоқда. Бухоро областида 4 минг киши ўрнига 3,8 минг киши, Самарқанд областида 6 минг киши ўрнига 3,9 минг киши, Хоразм областида 3,5 минг киши ўрнига 3 минг киши ремонт ишларида иштирок этяпти.

Ҳамма жойда ҳам сифатга етарли эътибор берилмаётир. Қорақалпоғистон автоном республикаси, Бухоро, Сирдарё ва Хоразм областлари хўжаликларида ремонт технологиясининг бузилиш ҳоллари рўй бермоқда. Кўплаб хўжаликларда тайёргарлик чизиғига қўйилган экиш механизмларининг ишчи органлари тўлиқ ўрнатилмаган ва регулировка қилинмаган.

Республика Госкомсельхозтехникасига қарашли Ленинск ремонт заводи Т—28Х4 тракторларининг двигателларини сифатсиз ремонт қилишни давом эттирмоқда.

Қолган қисқа вақтда колхоз ва совхозларнинг инженерлик хизмати ходимлари Госкомсельхозтехника бўлинмалари билан биргаликда ремонтнинг сифатли бўлишига эришмоқлари, агрегатларнинг узеллари ва эҳтиёт қисмларни алмашув фондларини ташкил этмоқлари, техник хизмат кўрсатиш воситаларини тайёрлаб қўймоқлари лозим.

Республика областларида қишлоқ хўжалиги техникасини тайёрлаш бўйича шу йил 1 февралгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(мавжуд техникага нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — барча тракторлар; учинчи устун — барча сеялкалар; тўртинчи устун — шу жумладан чигит экиш сеялкалари; бешинчи устун — культиваторлар; олтинчи устун — тишли бороналар; еттинчи устун — чизеллар.

ҚҚАССР	68,4	67,2	67,8	46,7	54,6	69,8
Андижон	89,9	100,0	100,0	97,0	100,0	95,6
Бухоро	88,8	93,0	93,8	64,7	96,0	98,0
Жиззах	89,6	91,2	93,0	86,4	90,7	87,7
Қашқадарё	86,2	90,3	90,6	85,0	91,0	93,0
Навоий	94,0	100,0	100,0	91,8	100,0	90,0
Наманган	92,8	99,2	99,7	95,7	100,0	100,0
Самарқанд	89,9	80,9	86,5	52,0	95,4	85,7
Сурхондарё	92,3	98,0	100,0	83,0	100,0	100,0
Сирдарё	82,3	89,0	91,2	81,4	100,0	80,1
Тошкент	92,3	100,0	100,0	90,7	100,0	100,0
Фарғона	87,2	98,0	98,7	71,8	100,0	90,4
Хоразм	87,1	94,4	95,8	74,0	96,1	97,0

Ҳаким Аҳмедович АҲМЕДОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, республикада хизмат кўрсатган ирригатор, техника фанлари доктори, профессор, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер Ҳаким Аҳмедович Аҳмедов 1985 йил 5 февралда 81 ёшида тўсатдан вафот этди.

Таниқли олим, педагог, 1946 йилдан КПСС аъзоси Ҳ. А. Аҳмедов ҳаётдан кўз юмди. У 1904 йил 27 декабрда Қирғизистон ССРнинг Ўш шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1924 йилда В. И. Ленин номли Ўрта Осиё давлат университетини битиргандан сўнг бошлади. Ўш шаҳар комсомол комитети сиёсий маориф бўлимининг мудири бўлиб ишлади. Айни пайтда 1-мактаб-интернатда ўқитувчилик қилди. 1929 йилда Ўрта Осиё Сув хўжалиги политехникумини битиргач, Фарғона водийсида ишлади. 1932—1937 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида таҳсил кўрди. Шундан сўнг Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссарлигида сув хўжалиги бошқармасининг катта инженери бўлиб хизмат қилди. Аспирантурада ўқиди. САНИИРИ Мирзачўл экспедициясининг, Тошкент область сув хўжалиги бошқармаси эксплуатация бўлимининг бошлиғи бўлди.

Ҳ. А. Аҳмедовнинг педагоглик фаолияти 1950 йилда бошланди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтига бошчилик қилди, қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш кафедрасининг доценти бўлди. 1971 йилдан умрининг охиригача шу институтнинг «Гидромелиорация системаларини эксплуатация қилиш ва автоматлаштириш» кафедрасига мудирлик қилди.

Профессор Ҳ. А. Аҳмедов 50 табоқдан зиёдроқ асарни яратди. У суғориш курси бўйича ўзбек тилидаги биринчи дарсликнинг муаллифидир. Ҳаким Аҳмедович Мирзачўлни ўзлаштириш ишига катта ҳисса қўшди.

Ҳ. А. Аҳмедовнинг бутун ҳаёти сув хўжалиги фанини ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги учун илмий ва юқори малакали инженер-кадрлар тайёрлашга бағишланди. Унинг хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, СССРнинг кўплаб медаллари билан тақдирланган эди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» ва «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвонлари берилган эди.

Ҳаким Аҳмедович Аҳмедовнинг порлоқ хотираси олимлар, студентлар, у билан бирга ишлаган барча кишилар қалбида абадий сақланади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

ОБ-ҲАВО

Бугун республикамизда ҳаво ўзгариб туради. Жойларда ёғингарчилик бўлади. Шимолий районларда қор ёғади. Шимоли-ғарбдан секундига 9—14 метр тезликда шамол эсиб, айрим ерларда унинг тезлиги 17—22 метргача кучаяди. Ҳарорат шимолий районларда 4 даража совуқ билан 1 даража иссиқ атрофида бўлади. Жанубда 6—11, қолган ерларда 4—9 даража иссиқ бўлиб, кечга томон 0 даражагача пасаяди.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлади. Ғарбдан секундига 9—14 метр тезликда эсган шамолнинг тезлиги 17—22 метргача кучайиши мумкин. Ҳарорат 8—10 даража атрофида бўлиб, кечга томон 0 даражагача пасаяди.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.55 — Ўқувчиларнинг РСФСРда хизмат кўрсатган қурувчи М. Коблов билан учрашуви. 10.40 — Қалбга яқин қўшиқлар. 11.30 — «Кичик трагедиялар». Бадиий фильм, 3-серия. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Рус тили. 16.25 — Концерт. 16.50 — Москва комсомолининг ишлари. 17.35 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Ғалаба йўлидаги, тинчлик йўлидаги бирдамлик. 20.30 — Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 21.30 — «Время». 22.15— Музикага бўлган муқаддас муҳаббат. 23.50 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 —Ҳужжатли фильм. 12.05 — Э. Багрицкий поэзияси. 14.40 — Жонли хотира. 15.30 — Юхан Смуул. Асарлари саҳифаларида. 16.15 ва 18.30 — Янгиликлар. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Онамларнинг мактаби. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время». 22.15—«Зирк дарахти ороли». Бадиий фильм. 23.00 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — «Таниш чеҳра». Бадиий фильм. 11.20 — Болалар учун концерт. 11.50 — Телефильм. 12.45 — Мультфильм. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — «Ешлик». 18.45 — Атеистик мавзуларда суҳбат. 19.00 — Ким бўлсам экан? 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Алишер Навоий. Туғилган кунининг 544 йиллигига. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Ўзбекистон композиторлари съезди олдидан. 21.30 — «Время». 22.15 — Дунё воқеалари. 22.45 —Эртага премьера. 23.55 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00—16.20 — МОСКВА-II. 18.20—Болалар учун фильм. 18.45 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 19.45 — Тошкент янгиликлари. 20.05— «Болакайни капитан деб атардилар». Бадиий фильм. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

8 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Биринчи программа. 8.30 — О. Қосимов ва М. Мирзаев қўшиқлари. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 12.10 — «